КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 85 (8075). ● 4 май, 1983 йил ● ЧОРШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

ДЕЛЕГАЦИЯ МОСКВАГА КЕЛДИ

ГДСП Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат Кенгашининг Раиси Э. Хонеккер бошчилигидаги Германия Демократик Республикасининг партия-давлат делегацияси КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг таклифига биноан 3 май куни расмий дўстлик визити билан Москвага келди.

Аэродромда Э. Хонеккерни, делегация аъзоларини КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ю. В. Андропов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри Д. Ф. Устинов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаков, бошқа расмий кишилар самимий кутиб олдилар.

(ТАСС).

ЕР—ҲАММАМИЗНИНГ УЙИМИЗ

МОСКВА МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ЧЕТ ЭЛ КАСАБА СОЮЗ ДЕЛЕГАЦИЯЛАРИ ИШТИРОКИДА БИРИНЧИ МАЙГА БАҒИШЛАНГАН МИТИНГИ

Бунёдкорлик ва тинчлик. Москвадаги Биринчи Май тантаналарида 117 мамлакатнинг касаба союзларидан, жаҳон касаба союз ташкилотларидан вакил бўлиб қатнашган кишилар фаолияти моҳиятини, ҳаёти маъносини мана шу сўзлар жуда яхши ифодалайди. Бу вакиллар пойтахт меҳнаткашлари билан биргаликда меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик кунига бағишланган митингда қатнашдилар. Митинг 2 май куни Союзлар уйининг Колонна залида ўтказилди.

ВЦСПС раиси **С. А. Шалаев** митингга тўпланган кишиларни табриклаб, пролетар интернационал бирдамлиги бизнинг давримизда, жаҳон майдонидаги кескин синфий кураш даврида, икки йўл, халқаро муносабатларга нисбатан бир-бирига зид бўлган икки ёндашиш кескин тўқнаш келаётган бир пайтда айниқса зарур эканини уқтирди. Социализм мамлакатлари, дунёдаги барча тараққийпарвар кучлар халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш йўлини ўтказаётган бўлсалар, АҚШ бошчилигидаги НАТО блоки мамлакатлари муҳолифлик йўлини, термоядро урушига тайёргарлик кўриш йўлини ўтказмоқдалар.

АҚШ империализми Шарқдан, Совет Иттифоқи томонидан хавф бор деган, гўё Варшава шартномаси мамлакатлари НАТО блокидан ҳарбий устунликка эришиб олди, деган соҳта баҳонани рўкач қилиб, ядро қуроли запасларини кўпайтирмоқда, шу қуролнинг янги-янги турларини яратиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқда, химия ва бактериология қуролларини ғамлаб олмоқда. АҚШ ҳукмрон доираларининг империячилик, босқинчилик сиёсати, улар бошқа халқларнинг тақдирига мутлақо менсимай қараётганлиги тинчлик иши учун бевосита хавф солмоқда. Дунёнинг Вашингтон маънавий, сиёсий жиҳатдан ва айниқса ҳарбий — стратегик жиҳатдан ўзи учун манфаатли деб билаётган ҳар қандай қисми андишасизларча Америка манфаатлари райони деб эълон қилинмоқда. АҚШ маъмуриятининг Ғарбий Европани СССРга биринчи бўлиб ядро зарбаси урилиадиган старт майдончасига айлантириш режалари айниқса хатарлидир.

Аввало капитализмнинг чуқур иқтисодий кризиси билан боғлиқ бўлган ички проблемалардан ўз халқларининг эътиборини чалғитиш истаги АҚШ, НАТО мамлакатлари ўтказаётган авантюрачилик сиёсатининг ҳақиқий сабабидир. Улар халқларнинг социал ўзгартишлар учун, ҳозирги америкалик империалистларга ривожланаётган мамлакатларни талаш имконини бераётган халқаро иқтисодий тартибга қарши курашини тўхтатмоқчи бўладилар. Кризис учун, тинчлик тармоқларидаги маҳсулот ишлаб чиқариш камайиб бораётганлиги учун, оммавий ишсизлик учун, капиталистик мамлакатлардаги миллион-миллион меҳнаткашлар оилаларининг қашшоқлиги ва фожиали аҳволи учун айбни социализмга тўнкашга уринмоқдалар.

Совет Иттифоқида, қардош социалистик мамлакатларда урушни, қуролланиш пойгасини, халқаро вазиятни кескинлаштиришни хоҳлайдиган кучлар йўқ. Тинчлик, кескинликни юмшатиш, ялпи хавфсизлик, адолатли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик, халқларнинг социал ва миллий тараққиётга, ўз тақдирларини мустақил белгилашга бўлган ҳуқуқлари даҳлсизлиги, — бизнинг равшан ва очиқ-ойдин мақсадларимиздир, деб уқтирди пировардида нотиқ.

Жаҳон касаба союзлари Федерациясининг секретари **Я. Немоудри** минбарга чиқади. Рейган маъмурияти АҚШдаги ҳокимият тепасига чиққан пайтдан бери халқаро аҳвол хатарли равишда ёмонлашди, деди у. Бироқ, империализмнинг жон-жаҳди билан қилаётган ҳаракатларига қарамай, кучларнинг нисбати тинчлик ва тараққиёт фойдасига ўзгариб бормоқда. Совет Иттифоқининг, социалистик мамлакатларнинг, шунингдек қўшилмаган мамлакатларнинг халқаро майдондаги салмоғи ошиб бораётганлиги, тинчлик ва қуролсизланиш йўлидаги ҳаракат қудратли равишда кенгаяётганлиги бунинг яққол исботидир.

Улуғ совет халқининг гитлерчилар Германияси устидан қозонган тарихий ғалабасининг 38 йиллиги яқинлашмоқда. СССР фашизмни тор-мор этиб ғалабага ҳал қилувчи ҳисса қўшди, гитлерчилар агрессияси қурбони бўлган кўпгина халқларга озодлик ва мустақиллик келтирди. Биз озодлик учун жон фидо қилган кишилар хотирасига таъзим бажо этиб, янги уруш ёнғинини чиқишига йўл қўймаймиз, деб қасамёд қиламиз.

Ҳозирги вақтда жаҳон узра яна уруш хавфи кучайиб кетди. Буюк Британиянинг Жанубий Атлантикадаги мустамлакачилик авантюрасини ёки Америка билан Исроилнинг Ливандаги агрессиясини эсга олайлик. Исроилга Қўшма Штатлар бериб қўйган энг мукаммал оммавий қирғин воситалари ёрдамида шу мамлакатга қарши қилинган агрессия ҳаммамизнинг кечагидек эсимизда турибди. Америка маъмуриятининг кун сайин қилаётган иғвогарликларини, Европа, Африка, Осиё ва Лотин Америкаси халқлари ички ишларига аралашаётганлигини, шу халқларга қарши узлуксиз қилаётган бедодлик кампаниясини ҳам бунинг ёнига қўшмоқ кўрак.

Нотиқ Европа диёрида Американинг янги ядровий ракеталарини жойлаштириш режалари хатарли эканини уқтириб ўтди. Ядро қуролининг ёйилиб бориши ядровий қуролланиш пойгасини жиловлаш иложини йўққа чиқариб қўймоқда, деб таъкидлади у.

Меҳмон Совет Иттифоқининг, бошқа социалистик мамлакатларнинг тинчлик ташаббусларини юксак баҳолади. У барча меҳнаткашларни сиёсий, диний ва фалсафий эътиқодлари қандайлигидан қатъий назар тинчлик ва қуролсизланиш учун курашга қўшилишга, бу кампанияда актив қатнашишга чақирди. Ядро уруши, деб таъкидлади Я. Немоудри, ҳеч кимни фарқ этмай қурбон қилаверади, чунки у ҳамма нарсани вайрон этади.

Уруш бошланган пайтда мен 18 ёшда эдим, деди Москвадаги Биринчи соат заводининг сайқалчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **А. П. Евстигнеев**. Бу урушда СССР йигирма миллион ўғил ва қизидан жудо бўлди. Мен жанговар йўлни Берлинда тугалладим. Қон ва вайроналарни кўрдим. Тинчлик бошланадиган пайтни доимо ўйлардим. Биз полкдошларимиз билан учрашганимизда, аввало энди уруш бўлмаслиги учун, болалар бахтиёр ўсишлари учун нималар қилиш керакligи ҳақида гаплашамиз. Ер-ҳаммамизнинг уйимиз эканини тез-тез эслаб туриш керак. Ер америкаликнинг ҳам, французнинг ҳам, японнинг ҳам яшаш маконидир. У — ҳаммамизнинг яккаю ёлғиз уйимиздир.

Араб касаба союзлари халқаро конфедерацияси бош секретарининг ўринбосари **С. Бадрга** сўз берилади. АҚШ тобора кўпроқ вайронгарчилик келтирувчи қуроллар билан қуролланиш пойгасини кучайтирмоқда, ўз ракеталарини Ғарбий Европага жойлаштириб қўйишни кўзламоқда, бунда Совет Иттифоқи, бошқа социалистик давлатлар, қўшилмаган мамлакатлар, дунёдаги тинчликсевар халқларнинг тинчликка, халқаро кескинликни юмшатишга ва қуроллароларни чеклашга қилиб келган ва қилаётган самимий даъватларига қулоқ солмаяпти, деб таъкидлади у.

Араб меҳнаткашлари АҚШ империализмининг, сионизм ва реакциянинг режаларига бирлашган жаҳоншумул жанговар фронтни қарама-қарши қилиб қўйишга, уларнинг макрли режаларини барбод этиш йўлида биргаликда ҳаракат қилишга чақирадилар. Биз бутун араб халқимизнинг, фаластинлик араб халқининг одилона ва ҳаққоний кураши тарафида қатъият билан ҳаракат қилишга чақирамиз. Биз барча миллий озодлик ҳаракатлари билан бирдам эканлигимизни изҳор этамиз.

Биз дунёнинг мазлум халқларига порлоқ истиқболни очиб берган, озодлик учун кураш йўлини кўрсатган Октябрь революцияси ватанига келиш билан ўзимизни бахтиёр деб ҳисоблайдиган, деб уқтирди Африка касаба союз бирлиги ташкилоти бош секретарининг махсус ёрдамчиси **Э. К. Африани**, совет ташқи сиёсати муттасил тинчлик принципларига асосланиб келмоқда. Бу сиёсат КПССнинг XXIV ва XXVI съездлари белгилаб берган йўлдан давом этмоқда. Ғарбнинг Совет Иттифоқи ҳақидаги тўғри ахборотни соҳталаштириш йўлида жон-жаҳди билан қилаётган ҳаракатларига қарамай, Совет сиёсати тўғрисидаги ҳақиқат капиталистик мамлакатлардаги миллион-миллион кишиларга етиб бормоқда, уларнинг қалбида қизғин акс садо бермоқда. Улар совет кишилари тинчликни хоҳлашларидан иборат бўлган ҳақиқий фактни тушуниб олганликлари шубҳасиз.

Меҳмон Африка жанубидаги, Яқин Шарқдаги, Осиё ва Марказий Америкадаги жуда хатарли аҳволга таллуқли масалаларга тўхталиб, шу регионлардаги вазиятни кескинлаштириб, жаҳон уруши чиқиш хавфини кучайтираётган империалист давлатларни кескин қоралади.

Венесуэла меҳнаткашлари ягона марказининг фахрий раиси, Лотин Америкаси меҳнаткашлари касаба союз бирлиги доимий конгрессининг вакили **А. Вильегас Крус** Лотин Америкасидаги ва Кариб ҳавзаси мамлакатларидаги аҳвол ҳақида гапирди. Аввало Америка империализми ошкора мадад бериб турган бир шароитда Гондурас ҳарбийларининг Сандино ватани ҳоннлари ва сомосочи мурдадлар билан биргаликда Никарагуа территориясига бостириб кириши натижасида шу мамлакатда қалтис вазият вужудга келганини уқтириб ўтмоқ керак, деди у. Мана шу таҳликали шароитда Лотин Америкаси мамлакатларида жиноятчорона агрессияга қарши ғазабли норозилик тўлқини кўтарилди ва қардош Никарагуа халқи билан кенг бирдамлик кампанияси авж олиб кетди.

Биз СССР билан, бошқа социалистик мамлакатлар билан мустаҳкам дўстлигимизни яна бир бор тасдиқлаб ўтмоқчимиз. Уларнинг ютуқлари бизнинг курашимизга илҳом бермоқда.

СССР Медицина фанлари Академияси медицина генетикаси институтининг директори, «Ядро урушининг олдини олиш учун курашувчи врачлар» Совет Комитети раисининг ўринбосари **Н. П. Бочков**, Москва шаҳар касаба союзлари Советининг раиси **Л. В. Петров** ўз нутқларида тинчликни сақлаб қолиш йўлида барча мамлакатлар касаба союзлари ва меҳнаткашларининг бирлиги ҳамда дўстлигини мустаҳкамлашга эҳтирос билан даъват этдилар.

Франция умуммеҳнат конфедерацияси ижроия комиссиясининг аъзоси **Ж. Виар** оммавий синфий ташкилот бўлмиш умуммеҳнат конфедерацияси меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилаётганини, Францияда муваффақиятли ўзгартишлар учун курашаётганини айтди.

Меҳнаткашларга тинчлик керак, шу боисдан ҳам умум меҳнат конфедерацияси АҚШ ҳукумати тиқиштираётган империалистик қуролланиш пойгасига қаршидир. Конфедерация тинчлик ва қуролсизланиш учун июль ойида Парижда ўтказиладиган катта намойишда қатнашади. Биз Европада ва бутун дунёда ривожланиб бораётган тинчликсеварлик ҳаракатига мос бўлиб тушадиган шу тадбирни табриклаймиз, деди меҳмон.

Қизил майдондаги меҳнаткашлар намойиши вақтида биз совет кишиларининг халқ хўжалиги барча тармоқларида катта муваффақиятларга эришганликларига, шу ютуқлар билан фахрланиб, янги-янги вазифаларни кўзлаётганликларига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик, деб таъкидлади Болгария касаба союзлари марказий кенгаши бюросининг аъзоси, БХР ўқитувчилари союзининг раиси **А. Спанчева**. Биз совет халқининг бутун дунёда тинчликни сақлаб қолишни ўзининг бош вазифаси деб ҳисоблаётганига ҳам яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Зеро, тинчлик қадрини ҳеч ким совет кишиларичалик билмайди.

Болгар меҳнаткашлари Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар қабул этган Прага сиёсий декларациясини тўла-тўкис қўллаб-қувватлайдилар. Совет давлати доимо кўтариб чиқаётган тинчликсеварлик ташаббуслари вужудга келган кескин халқаро вазиятдан қутулиш учун курашиш намунасидир.

(ТАСС).

МУРАББИЙ

ОБЛАСТЬ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТЛАРИ

ҲАР куни шу манзара такрорланади: бу ҳонадондан уч киши айни бир пайтда чиқиб, бекат томон йўл олишади. Ота, она ва ўғил. Ота — Тошкент пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг чарм қирқувчиси — доим ўйчан, юрган йўлида ҳам миясида қайсидир режаларни пишитиб боради. Она — бирлашма биринчи фабрикаси саккизинчи цехининг ишчиси — ўғлига нимандир тайинлайди. Комил ака эса ялт этиб онаболага қарайди-да, алланималарни ўйлаб қолади. Ҳадича опа ҳам, Искандар ҳам буни сезишмайди. Куч-қуввати борида ўғлини ўқитмоқчи эди. Ўғил унамади. Отанинг жаҳли чиқди. Қойиган бўлди. Искандар тушунтирмоқчи бўлди. Бу баттарроқ қилди. Кейин ўғил жилмайиб:

— Нима, ўзингизнинг тақдирингиздан, касбингиздан норозимисиз? Мен ҳам сиз каби ишчи бўлмоқчиман, холос, — деди. Ота индамади. Нима ҳам десин, тақдиридан нолишга ўрин йўқ. Шу касби туфайли бахт топди, коллектив ўртасида танилди, қатор орден ва медалларга сазовор бўлди. Кечаги оддий ишчини бутун бирлашма меҳнат аҳли бугун яхши танийди, ҳурмат қилади. Искандар эса тезроқ ҳунар-техника билим юртини тугаллаб, ота ёнида туришни орзу қилади. Худди отасининг ёшлигидек.

...Комил балки ўша кезларда барча тенгқурлари сингари учувчи ёки инженер бўлишни орзу қилгандир. Балки самонинг пўлат бургутлари тушларига ҳам киргандир. Лекин ёшликданоқ кичик самолётларни ўйинчоқ қилиб ўйнашга эмас, пойабзал фабрикасида меҳнат қилаётган онасига кўмаклашишга тўғри келди. Оилавий аҳвол уни шунга мажбур қилди...

Бора-бора шу ишга ўрганиб қолганини кейинчалик сезмай ҳам қолди. Одамлар янги пойабзал кийиб, завқ билан уни кузатаётганлигини кўрганда беихтиёр ўз ишидан севинадиган бўлди. 1954 йили Совет Армияси сафидан қайттач тўғри фабрикага келиб, бу ишга астойдил киришди.

Ҳар бир ишчи янги иш ошлаш ва ишга ўрганиш даврининг қийин лаҳзалари эканлигини ўз бошидан ўтказади. Комил ака ҳам бу ҳолатни ўтказиб олган эди. Ота ва ўғил ишлаётган цехдаги ишчилар, мастерлар, бригадирлар ёшларга ёрдам беришга, ишнинг сирларини ўргатишга ҳеч иккиланмадилар. Ҳар бир ишчи ўзининг ишини ҳеч иккиланмасдан, ишонч билан бажаришини, ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичини ўзлашти

К. МАРКС ТУҒИЛГАН КУННИНГ 165 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

БУЮК ҲАЁТ САҲИФАЛАРИ



ИНСОНИЯТ тарихида ижтимоий тараққиёт, фан ва маданиятни юксалтиришга катта таъсир кўрсатган сиёсий арбоблар, буюк олим ва мутафаккирлар, йирик адабиёт ва санъат намоёндалари номлари зарҳал ҳарфлар билан битилган. Улар орасида бутун жаҳон пролетарларининг доҳийси, илмий коммунизм асосчиси К. Маркс номи алоҳида ўрин тутади.

1818 йил 5 майда юстиция маслаҳатчиси Генрих Марксннинг оиласида туғилган фарзандга Карл деб исм қўйишди. Маркслар ватани —Трир шаҳри Германиянинг сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган Рейн провинциясида жойлашган эди. Бу ерда пролетариатнинг пайдо бўлиши билан ишчилар синфи ва буржуазия ўртасидаги қарама-қаршилик жуда яққол сезила бошланди. Карл ёшлик пайтиданоқ капиталистик тузум туфайли юзага чиққан бу қарама-қаршиликларнинг туб моҳиятини тушуниб етишга ҳаракат қиларди.

Генрих Маркс юксак маданиятли ва ғоят софдил инсон эди. У философлар асарлари билан қизиқарди. Шу туфайли ёш Карл Дидро, Вольтер, Руссо асарлари билан жуда барвақт танишиш имконига эга бўлди. Бу асарлар Маркс оиласи аъзолари томонидан биргаликда ўқиларди.

Карлнинг Трир гимназиясига кириши пайтида Парижда 1830 йилги июль революцияси бўлиб ўтди. Инқилоб бўрони Бурбонлар династиясини супуриб ташлади. 1831 йилда эса Польшада исён кўтарилди. 1831 ва 1834 йилларда Лионда пролетар қўзғолонлари бўлиб ўтди.

Бу воқеалар Германияда ҳам ўз акс садосини берди. Бу ерда пруссс реакционмонархия тузумига қарши кишилар сафи кенгая борди. Бўлиб ўтган исён ва қўзғолонлар ёш Маркс қалбида ҳам чуқур из қолдирди. Буни унинг гимназияни тугаллаш пайтида ёзган «Ўсмирнинг касб танлаш пайтидаги мулоҳазалари» иншоси ҳам кўрсатиб турибди. 17 ёшли Маркс шундай деб ёзган эди: «Касб танлашимизда бизни мақсадга йўналтирадиган асосий раҳнамо инсоният бахт-саодати бўлиши керак».

1835 йилда гимназияни тугаллаган Маркс аввал Бонн университетининг юридик факультетига, бир йил ўтгач эса Берлин университетига киради. Унинг студентлик пайтида ёзган шеърларида ҳам инсоният бахт-саодати етакчи мавзу бўлган.

Бу пайтларда Маркс ҳали идеализм позицияларида турар эди. Бу унинг докторлик диссертациясида ҳам ўз ифодасини топган. Лекин у илмий ишда чуқур ижодий фикрлай олишини кўрсатган. Маркс динни қаттиқ танқид остига олади. У эркин фалсафий фикрни Прометей билан теңлаштиради.

1843 йилда Парижга кўчиб келган Маркс революцион клублар фаолияти билан қизиқиб таниша бошлайди, буюк утопист социалистлар—Сен-Симон, Фурье, Оуэн асарларини ўрганади. Кўп ўтмай эса ишчилар ва ҳунармандлар ташкилоти — «Адолатлилар союзи» билан алоқа ўрнатади. Унинг аъзолари кейинчалик Маркс ва Энгельс томонидан ташкил этилган халқаро пролетариат ташкилоти — «Коммунистлар союзи»га қўшилдилар.

Марксннинг «Немис-француз йилномаси»да эълон қилинган мақола ва хатлари унинг идеализмдан материализмга, революцион демократизмдан коммунизмга батамом ўтганлигини кўрсатди. В. И. Ленин Марксннинг бу даврдаги илмий-назарий фаолиятига якун ясар экан, Маркс таълимотида энг асосийси социалистик жамиятнинг бунёдкори бўлган пролетариатнинг оламшумул-тарихий миссиясини кўрсатиб беришдан иборат бўлганлигини таъкидлайди. Маркс бу ғояни биринчи бор 1844 йилда олға сурган эди.

Илмий коммунизм назариясини яратишда Марксннинг яқин дўсти, сафдоши Фридрих Энгельснинг ҳам ҳиссаси буюкдир. Улар деярли тенгдош эдилар. Трирни Фридрих дунёга келган Бармендан атиги 300 километр ажратиб турарди. Бу ерда 1820 йил 28 ноябрда тўқимачилик фабрикаси эгаси оиласида Ф. Энгельс туғилди.

1844 йил августида Англиядан қайтаётган Фридрих Энгельс Парижда тўхтаб ўтди. Бу ерда у Марксни учратди. Ана шу учрашув Маркс ва Энгельс ўртасидаги буюк ҳамкорликка асос бўлди. Бу дўстлик ва ҳамкорлик 40 йил давом этди. Уларнинг биргаликдаги ижодий ҳамкорлиги илмий коммунизмнинг шох асарларини яратишга олиб келди.

Таъқиблар туфайли 1845 йил февралида Маркс Брюсселга кўчиб ўтишга мажбур бўлди. Шу йил ёзида Маркс ва Энгельс Англияга биргаликда сафар қилдилар. Уша пайтда Англия энг ривожланган капиталистик мамлакат ҳисобланарди. Бу ерда Маркс ва Энгельс социал-иқтисодий муносабатлар ва ишчилар ҳаракатини ўрганишди.

1845—1846 йилларда Маркс ва Энгельс биргаликдаги асарлари — «Немис идеологияси» устида иш олиб бордилар. Унда илк бор тарихни материалистик тушунишнинг асосий принциплари, ижтимоий ривожланиш назарияси, диалектик материализм ва илмий коммунизмнинг муҳим қоидалари баён этилган эди.

Маркс ва Энгельс илмий коммунизм назариясини ишчилар ҳаракати билан қўшиш заруратини тушуниб етдилар. Улар «Адолатлилар союзи»га аъзо бўлиб кирганларидан сўнг бу ташкилотни қайтадан ташкил этиш кераклигини кўрсатдилар. Уларнинг ташаббуси билан «Коммунистлар союзи» тузилиб, 1847 йил июнь ойи бошларида Лондонда унинг I конгресси бўлиб ўтди. II конгресс бу биринчи халқаро коммунистик ташкилотнинг Уставини узил-кесил тасдиқлади ҳамда Маркс ва Энгельсга унинг принциплари баён этилган манифестни ёзишни топширди.

Шу асосда улар 1848 йил декабрь—январь ойларида «Коммунистик партия манифести»ни ёздилар. Унинг нашр этилиши билан марксизмни шакллантириш босқичи тугади. Бу пайтга келиб, марксизм билиш ва дунёни ўзгартиришнинг принципиал янги концепцияси сифатидаги тўлиқ дунёқарашга айланган эди.

Шундан сўнг Карл Маркс ўзининг шох асари — «Капитал»ни яратди, Ф. Энгельс билан ҳамкорликда жуда кўп асарлар ёзди. Аммо улар ўртасида ҳам «Коммунистик партия манифести» алоҳида ўрин тутади. У муайян сиёсий партия — революцион пролетариат партиясининг программасига айланди. Манифестдаги «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» буюк даъвати бутун халқаро революцион ишчилар ҳаракатининг шиорига айланди. Ҳозирги пайтда «Коммунистик партия манифести» жаҳон халқларининг 107 тилида нашр қилинган.

Карл Марксннинг бутун ҳаёти ва революцион фаолияти кенг меҳнаткашлар оммаси бахт-саодати йўлида хизмат қилишнинг ёрқин намунасидир. Шунинг учун ҳам бутун прогрессив инсоният К. Маркс туғилган куннинг 165 йиллигини кенг нишонламоқда.

И. САЪДУЛЛАЕВ,
доцент.

МАШИНАЛАР ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Республикамиз пойтахтидаги «Узбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош корхонасида пахта тозалаш саноати эҳтиёжлари учун машина-ускуналар ишлаб чиқариш тобора кенгаймоқда. Айни вақтда фойдаланишда бўлган механизмларни такомиллаштириш, уларнинг ишлаб чиқариш қувватини оширишга қаратилган ишлар ҳам қилинмоқда.

Бирлашма конструкторлик бюроси коллективи «4ДП-130» маркали жин яратди. Бу унумли механизм корхонада ўтган йилдан бери ишлаб чиқарилмоқда. У пахта хом ашёсига дастлабки ишлов беришда меҳнат унумдорлигини 1,5 баравар ошириш имконини берди.

Ҳозирги вақтда бундай мосламаларнинг янги ишчи камераларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга тайёргарлик тугалланмоқда. Бу камералар пахта тозалаш қурилмаларининг унумдорлигини икки баравар ошириш имконини беради.

● ТОШКЕНТ тўқимачилик комбинати 2-тўқув фабрикаси ип-йигирув цехнинг қатор ишчилари беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш мажбурияти асосида меҳнат қилмоқдалар. А. Коротенко (чапда) ва Л. Безуглая сингари илғорлар шулар жумласидандир. Улар айни пайтда июнь ойи ҳисобига маҳсулот топширишяпти.

А. Тўраев фотоси.

МУХБИРЛАР ПОСТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ОЛМАЛИҚДА ОЧИҚ ХАТЛАР КУНИ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Яқинда Олмалиқ шаҳрида «Очиқ хатлар куни» ўтказилди. Бундан аввалроқ қатор йирик корхона ва муассасаларда ишчи ва хизматчиларни қизиқтирган саволлар, таклифлар ўрганилди. Шундан сўнг тушган саволларга жавоб бериш, кўтарилган масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ бўлган тегишли ташкилотларнинг раҳбарлари таклиф этилдилар.

Металлургларнинг маданият саройига кўп одам йиғилди. Шаҳар партия комитети бюросининг аъзолари, халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитетининг масъул ходимлари, корхона, муассаса раҳбарлари, партия, хўжалик органлари вакиллари аҳолидан тушган саволларга жавоб бердилар.

Кейинги йилларда шаҳарда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бирмунча яхшиланди, транспорт қатновини тартибга тушириш юзасидан қатор чоралар кўрилди, жамоат тартибини мустаҳкамлашга эътибор кучайтирилди.

Шу билан бирга меҳнаткашлардан тушаётган саволлар, хат ва шикоятлар, бирлашма конструкторлик бюроси коллективи «4ДП-130» маркали жин яратди. Бу унумли механизм корхонада ўтган йилдан бери ишлаб чиқарилмоқда. У пахта хом ашёсига дастлабки ишлов беришда меҳнат унумдорлигини 1,5 баравар ошириш имконини берди.

Ҳозирги вақтда бундай мосламаларнинг янги ишчи камераларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга тайёргарлик тугалланмоқда. Бу камералар пахта тозалаш қурилмаларининг унумдорлигини икки баравар ошириш имконини беради.

● ТОШКЕНТ тўқимачилик комбинати 2-тўқув фабрикаси ип-йигирув цехнинг қатор ишчилари беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш мажбурияти асосида меҳнат қилмоқдалар. А. Коротенко (чапда) ва Л. Безуглая сингари илғорлар шулар жумласидандир. Улар айни пайтда июнь ойи ҳисобига маҳсулот топширишяпти.

А. Тўраев фотоси.

САЙЛОВЧИЛАР НАКАЗИ

Редакциямизга келаётган кўпгина хатларда сайловчилар наказларининг бажарилиш тартиби ва йўллари, унда депутатлик группалари ва доимий комиссияларнинг иштироки тўғрисида маълумот берилиши сўралган. Ана шу илтимосларга биноан қуйидаги мақолани эълон қиляпмиз.

Наказлар сайловчиларнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органларидаги ўз вакилларига шу территорияда комплекс иқтисодий ва социал ривожланишни таъминлаш, кишиларнинг ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш ҳамда давлат, хўжалик ва социал-маданий қурилишга раҳбарлик фаолиятини яхшилаш юзасидан берган топшириғидир. «Социалистик жамиятда сайловчиларнинг депутатларга берган наказлари демократияни амалга ошириш, аҳолиниг иродаси ва манфаатларини ифода этиш, гражданларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда бевосита иштирок этиши, Советлар ва депутатларнинг халқ оммаси билан бўлган алоқасини мустаҳкамлаш формаларидан биридир» дейилди Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон ССРда сайловчилар наказлари билан ишлашни ташкил қилиш тўғрисида»ги Низомида.

Хўш, депутатларга наказлар бериш, уларнинг ижроси устидан назорат ўрнатиш тартиби қандай?

Наказлар асосан сайловолди йиғилишларида ва сайлов округи аҳолисининг депутатликка номзодлар билан учрашувларида берилади. Унинг ҳар бир қатнашчиси наказ тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириши, таклифлар киритиши мумкин. **Уларни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисидаги қарор эса йиғилиш ёки учрашув қатнашчиларнинг очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади.** Маҳаллий Советлар ижроия комитетлари мазкур наказларни ҳисобга оладилар, умумлаштириб дастлабки тарзда кўриб чиқиш учун тегишли бўлинма, бошқарма, корхона, муассаса ва ташкилотларга жўнатадилар. Ўз навбатида уларнинг раҳбарлари ижрокомга бажарилиши мумкин бўлган ишлар ҳажми, наказларнинг бажарилиш муддатлари, аниқ хулосаларни тавсия этишади.

БИЗНИНГ КОНСУЛЬТАЦИЯ

Сўнгги икки чақириқ давомида маҳаллий Совет депутатлари партия ва ҳукуматимиз қарор ҳамда кўрсатмалари асосида аҳоли наказларини белгиланган муддатларда ҳал этишда катта тажриба орттирдилар. Фақатгина XVII чақириқнинг ўзида республикамизда 86891 та наказ бажарилди. Жумладан, Тошкент областида 5700 та наказ ҳал қилинди.

Сўнгги — XVIII чақириқ маҳаллий Советларига сайловлар пайтида тушган наказлардан олти ой ичида 26 мингга яқини бажарилди. Тошкент областида эса сайловдан сўнгги давр ичида 1115 та наказ адо этилди. Масалан Паркент райони маҳаллий Советларининг депутатлари XVII чақириқ даврида сайловчилардан тушган 159 та наказнинг ҳаммасини тўлиқ бажаришга эришдилар.

Маҳаллий Советлар депутатларига билдирилаётган наказларда кўпроқ халқ хўжалигини ривожлантириш, умумдавлат ва умумхалқ манфаатларини ҳимоя қиладиган таклиф, мулоҳаза, талаблар ифодаланаётганлиги фикримизнинг далилидир.

Халқ депутати сайловчилар наказини амалга оширишда марказий фигурадир. У кишиларнинг талаб-истакларини адо этишда катта ҳуқуқларга эга. Жумладан, ҳар бир наказ ижроси билан боғлиқ идора, ташкилот, муассаса раҳбарларига мурожаат этиб, уларга талаблар қўйиши, зарур ҳолларда ҳисоботларини ижрокомда эшитишни ташкил этиши мумкин. Депутатнинг ваколати юқори совет органлари томонидан доимий қўллаб-қувватланади ва унга ҳар томонлама кўмаклашилади.

Наказларни амалга ошириш, шу йўл билан экономика, фан ва маданиятни янада юксалтиришга ҳисса қўшиш доимий комиссиялар ва депутатлик группаларига ҳам бевосита дахлдордир. Улар шу асосда ишлаб чиқилган ва маҳаллий Совет сессиясида тасдиқланган тадбирлар плани ижросини бандма-банд назорат қилиб боришлари лозим. Зарур ҳолларда депутатлар, доимий комиссиялар аъзолари бўлим ва бошқармалар, ташкилотлар раҳбарларининг бу борадаги ҳисоботлари, ахборотларини тинглаб бориш тажрибасини кенг қўллашлари зарур.

К. КОМИЛОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси И. Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институти совет қурилиши секторининг мудири, юридик фанлари кандидати.

МАЛАКА ОШИРДИЛАР

Қорақалпоғистон АССР, Жиззах, Сирдарё, Хоразм, Тошкент областлари партия ва совет ходимлари малакасини ошириш бўйича ташкил этилган Тошкент областлараро курси машғулотлари якунланди. Унда махсус курслар бўйича тузилган янги ўқув программаси асосида шаҳар ва район ижроия комитетлари ташкилий инструкторлик бўлимлари мудирлари ва инструкторлари ўз билимларини оширдилар.

Тингловчилар ҳузурида Ўзбекистон ССР Министрлар совети ташкилий инструкторлик бўлими мудири А. И. Шчербаков, контроль бўйича катта референт Н. Н. Гришков, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Советлар бўлими мудири М. Т. Тешабоев, Тошкент область ижроия комитети ташкилий инструкторлик бўлими мудирининг ўринбосари И. Н. Листопадов, пойтахт олий ўқув юртларининг етакчи олимлари лекция ўқидилар.

Ўзбекистон ССР Госплани эксперт комиссияси раиси В. С. Ким, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги бош архив бошқармаси инструктори М. Я. Тойб ва бошқа ўртоқларнинг лекциялари ҳам тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди. Амалий машғулотлар Ангрен шаҳар ва Оҳангарон район ижроия комитетларида ўтказилди.

Тингловчилар синф машғулотларида таклиф қилинган тематика бўйича ўз иш тажрибаларини ўртоқлашдилар. Айниқса, етук социализмнинг сиёсий системаси ва бу система тараққиётининг қонунийлиги, халқ депутатлари Советлари ташкилий-оммавий иш форма ва методларини такомиллаштириш бўйича семинар машғулотлари тингловчиларнинг тўла активлигида ўтди.

Курс тингловчилари ўқув давомида бир қатор илмий конференцияларда қатнашдилар, Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар.

ДАЛА ШИПОНЛАРИГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР

МАҚТАЛГАНИ ШУМИ?..

Колхоз партия комитетининг секретари Нодирхон Абулқосимов маданий-маиший ишлар бўйича раис ўринбосари Йўлдош Зиёвуддинов билан нарироқда гаплашиб олдида, сўнг бизга юзланди.

— Колхозимиз бўйича 17 та бригада бор. Улардан 9 таси типовой дала шийпонига эга. Йўлдошбой ҳозир сизларни улардан энг яхшиларига олиб боради. Кўп иш қилинган. Ўз кўзларинг билан кўриб баҳо берасизлар.

Машина катта йўлдан чапга бурилди. Икки бўйига тутлар экилган текис йўлка бошида Норинбой Ҳасанбоев боғлиқ бригада дала шийпони жойлашган. Бригада пахтазорлари 135 гектарга чўзилиб кетган. Бу йил азаматлар ҳосилдорликни 45 центнерга етказиш учун курашмоқдалар.

Чапдаги кенг пайкалда икки агрегат кўзга ташланади. Улар рулида Номоз Холбоев билан Турсунбой Абдуаҳадов. Икки илғор механизатор ғўзаларни культивациядан чиқаряпти. Ўнгдаги пайкалда эса Омон Алиқулов билан Ҳамид Тошев эгат оралаб карталарга сув тарашяпти. Чопиқчилар эса сув равон оқсин деб пайкал бошлари ва этакларини текислаб чиқишяпти. Бригада аъзоларининг ҳаммаси далада бугун.

— Етиб келдик, — деди Йўлдош ака рўпарадаги оқиш иморатга ишора қилиб.

Катта сада остидан ўтган ариқдаги сув ҳайқириб оқаяпти. Шийпонда бола боқаётган, овқат тайёрлаётган аёлларнинг бири ҳовлига сув сепиб қўйибди. Салқини дарров сезилди.

Теварак-атрофга боқамиз. Шийпон пештоқига осилган қизил алвонга республика, область, район ва колхоз пахтакорларининг бу йилги мажбуриятлари рақамларда ифодаланган. Бошқа шиор ёки плакат кўзга ташланмайди.

— Шийпон мудири ким? — сўраймиз бригада бошлиғидан.

— Ўзимиз-да, — деди у жилмайиб.

Бригада коллективининг мажбурияти, мусобақадошларнинг кўрсаткичлари ёзилган тахтачаларни, навбатчилар рўйхати, жанговар варақаларни суриштирдик. Йўқ. Қизил бурчакка кирмоқчи бўлдик. У ҳам йўқ. Шийпоннинг битта хонаси мавсумий яслика ажратилган. Иккинчи хонаси эса қулф, дераза тирқишидан қарасангиз ичкарида уйиб ташланган минерал ўғитларни кўрасиз.

— Тушки дам олиш соатларида қандай кўнгилочар тадбирлар ўтказиляпти?

Бригадир маданий-маиший ишлар бўйича раис ўринбосарига қаради.

— Колхозимиз бадиий ҳаваскорлари ҳозир пилла билан банд. Пилладан бўшашди дегунча биринчи навбатда шу бригадага юборамиз, — деди у бригадирни ҳижолатдан қутқармоқчи бўлиб.

Шийпонда битта «Спидола»дан бошқа ҳеч нарса йўқ. У атрофи шифер билан омонат ўралган ошхона олдидаги очиқ сўри устида турибди. Тушлик пайтида пахтакорларнинг ягона эрмаги шу холос. Суҳбатлар ўтказиш, газета-журналларнинг янги сонларини келтириб одамларга ўқиб бериш илғор тажрибаларни оммалаштириш агитатор Эргаш Эшматовнинг ҳозир ҳаёлига ҳам келмаяпти.

Экиш бошлангандан бери мусобақада кимлар ғолиблик қилаётгани ҳеч кимга маълум эмас. Шийпон олдига илғорлар шарафига кўтариладиган шон-шуҳрат байроғи, кўрсаткич тахталари ўрнатилмаган. Уларни тайёрлашга рассомнинг вақти йўқ эмиш. Ўринсиз баҳонани қаранг. Жиндек ҳафсала ва қизиқиш бўлганида кўргазмали агитация воситаларининг ҳаммаси аллақачон шийпондан жой оларди...

Камол Ризманов бошлиқ бригада дала шийпони томон юрдик. У катта йўл ёқасида. Лекин олдин шийпон эмас, унинг рўпарасига ўйиб ташланган эски ғўзапоялар кўзга қорайиб ташланади. Энди ғўзапоя уюмининг ёнида катта йўлга қаратиб молхона қурилиши бошланибди. Шу қурилишни шийпон ошхонасининг орқа томонига ўтказиш тўғрисида чамаси ҳеч ким бригадирга маслаҳат солмабди. Шундай қилинганда молхона кўздан нари бўларди, шийпонга кираверишда табиатли бўлиб турарди.

Шийпон атрофи ҳозир айқаш-уйқаш. Лойхоналар текисланмаган, чиқиндилар четроққа суриб ташланмаган. Теварак-атрофда металл, ёғоч парчалари, майда кўмир сочилиб ётибди.

Бригада аъзоларининг бошини қовуштириб икки соат ҳашар қилинса теварак-атроф чинни-чироқдек бўларди. Лекин бу ишга бош-қош бўлувчи одам йўққа ўхшайди. Бўлмаса шийпон биносининг кўринишни ёмон эмас. Ўртадаги уйнинг икки томони очиқ айвон. Уй ичида рангли телевизор, холодильник, идиш-товоқлар, юмшоқ инвентарлар. Яқинда газ плитаси ҳам келтирилди. Хуллас, далада ишлаётганларнинг дам олиши, ҳордиқ чиқариши учун нималари зарур бўлса ҳаммаси муҳайё.

Ҳозир 47 киши далада меҳнат қиляпти. Улар 125 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олишга ваъда берганлар. Лекин бригада аъзоларига ҳозир ким қандай ишлаётгани маълум эмас. Шийпонда кўргазмали агитация воситалари умуман йўқ. Ғолиблар шарафига кўтариладиган шон-шуҳрат байроғининг темир дастаси занглаб кетибди. Остидаги ёзувлар ҳам қор-ёмғирда аллақачон ўчиб кетган. Янги мавсум олдидан янги байроқ олинмаган, тахтачадаги ёзувлар чиройли қилиб ёзилмаган. Шийпон атрофига кўрсаткич тахталари ўрнатилмаган. Бригада аъзолари бу йил ким билан мусобақадош эканликларини, мусобақадошларининг кўрсаткичларини билишмайди.

Бундай камчиликлар Охунбобоев номли колхознинг бошқа бригадалари дала шийпонларида ҳам кўзга яққол ташланиб турибди. Шийпонларни янги мавсумга сифатли тайёрлаш, намунали жиҳозлаш бўйича колхоз партия ташкилоти конкрет тадбирларни белгилаган эди. Лекин улар ҳамон бажарилмай келаяпти.

Бу соҳада қўшни Тельман номли колхозда амалга оширилган ишлардан ўрганса бўлади. Экиш мавсуми бошланиши арафасида бир йўла иккита янги типовой дала шийпони фойдаланишга топширилди. Ҳозир колхозда шийпонлар сони 12 тага етган. Айниқса, Турсунали Сатторов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси дала шийпони кўркам қилиб жиҳозланган. Хоналар шинам ва озода. Янги полослар тўшалган, кроватлар қўйилган. Китоб жавонига бадиий асарлар, газета ва журналларнинг янги сонлари тартиб билан териб қўйилган.

Тушки дам олиш соатларида шийпон одамлар билан гавжумлашиб кетади. Ҳозир бригада далаларида 31 комсомол йигит-қиз ишлаяпти. Яқинда улар ҳузурига колхоз маданият уйининг «Завқ» ашула ва рақс ансамбли меҳмон бўлиб келди. Улар ижросида берилган концерт программасини ёшлар ҳақиқатан завқ билан томоша қилдилар.

Турсунали Сатторов бошлиқ коллектив Абдулла Ашуров бошлиқ бригада билан мусобақадош. Ҳар иккала коллектив тошлоқ ерлардан бу йил 40 центнердан пахта ҳосили олиш учун курашяпти.

А. Ашуров бошлиқ бригада дала шийпони ҳам яшнаб турибди. Томорқага экилган помидорлар туга бошлабди. Мевали дарахтлар, токлар ҳосили тўкин. Кираверишга ўрнатилган социалистик мусобақа экрани тахтасида барча кўрсаткичлар ёзиб қўйилган. Ичкарида телевизор, радио, холодильник ишлаб турибди. Ҳаммаёқ саранжом-саришта. Шийпон тутишда охунбобоевликлар кўп жиҳатдан тельманликлардан ўрганишса арзийди.

Лекин бундан Тельман номли колхоз дала шийпонлари камчиликлардан ҳоли экан, деган фикр чиқмаслиги керак. Бу хўжалик дала шийпонларида ҳам шон-шуҳрат байроқлари ўрнатилмаган, аптечкалар кўзга кўринадиган жойларга қўйилмаган, хоналар инвентарлар билан тўла таъминланмаган.

Шийпонларда колхозчилар эътиборини шу кунги вазифаларга қаратувчи шиорлар йўқ. Жанговар варақалар кўринмайди. Кўргазмали агитация воситаларидан ўз ўрнида фойдаланилмаяпти. Маданий-маиший, савдо хизмати ҳам яхши эмас. Кўп жойларда кўчма дўконлар ташкил этилмаган.

Ҳали ҳам вақт ғанимат. Йўл қўйилган нуқсонларни тугатиш, камчиликларни тўғрилаш учун маълум даражада имконият бор. Бунинг учун шийпон мудирлари, цех партия ташкилоти секретарлари, барча коммунистлар киришишлари керак. Токи, ҳар бир дала шийпони колхозчиларнинг энг севимли оромгоҳига, тарбиявий, оммавий-сиёсий ишлар марказига айлансин.

Ж. НОСИРОВ,
Пискент райони.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

30 КИЛОМЕТР—САККИЗ КУНДА

Ўзим Чирчиқда истиқомат қиламан. Тошкентда қариндошларим бор. Зарурат бўлиб 12 февралда Чирчиқдаги 22-алоқа бўлимидан уларга заказ хат юбордим. Бу хат Тошкентдаги 102-алоқа бўлими орқали Чилонзорнинг 16 кварталидаги 38-уйнинг 4-квартирасида истиқомат қилувчи Г. А. Васильевага етиб борши керак эди.

Икки шаҳар орасида хат саккиз кун йўл босибди. Ниҳоят 20 февралда хат эгасини топиб борибди. Заказ қилинган хат шунчалик узоқ сарсон бўлса, оддий хатлар манзилга қачон етиб боришини энди бир тасаввур қилиб кўринг-а. Область алоқа бўлими, почтамт раҳбарлари бундай нохуш ҳоллардан хабардорликанлар?!

И. ЗИМИН,
Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси слесари.

АВТОМАТ БЎЙИН БОҒ

Ўзбекистон чорвачилик илмий тадқиқот институти «Красний водопад» эксперимент базасида ғалати бир манзарани кўриш мумкин. Бу ерда боқилаётган сигирлар ўзларини-ўзлари охурга боғлаб қўйишади.

...Озиқлантириш вақти келади. Бўйнидаги махсус нўхтасига шар осилган сигир охур ёнига келади ва шу зоҳоти автоматика ишга тушади: бир лаҳзада шар махсус пазга тушади. Молларни автомат тарзда боғлаш усули сут соғувчиларнинг меҳнатини анча енгиллаштиради.

Яқинда эксперимент базада яна битта янгиллик жорий этилди. Бу ерда паст вакуумли сут соғиш аппарати ўрганилди. Бу аппарат сигирларни соғиш жараёнини анча енгиллаштиради, бундан ташқари уларнинг соғлиғига самарали таъсир кўрсатади. Чунки бундай аппаратдан фойдаланганда молларнинг мастит билан касалланиши анча камаяди.

Эксперимент базада жорий этилган иккала янгилик шу йил Ўзбекистоннинг кўпгина хўжаликларида кенг ёйилади. Чорвачилик фермалари учун республиканинг турли корхоналарида 2,5 мингта паст вакуумли сут соғиш аппаратини ишлаб чиқариш мўлжалланди. 800 минг бош қорамолни автомат боғлашга ўтказиш мўлжалланмоқда.

«ХАСКОВО» НИНГ ҒОЗ КОМПЛЕКСИ

Тошкент яқинида қурилаётган «Хасково» ғозчилик комплексида фойдаланишга топширилган механизациялашган 3 та корпус ғоз жўжаларини қабул қилиб ола бошлади. Калинин районидаги Қорақамиш кўли яқинида қарийб 40 гектар ерни эгаллайдиган территорияда ҳозир бир йўла 100 мингта ғоз боқишга мўлжалланган 17 та шундай корпус қурилмоқда. Инкубатор, қозонхона, санитария пункти ва бошқа хизматлар ишга тушириб юборилди. Бу ердаги ҳамма иморатлар монтаж қилиш қулай ва арзонга тушадиган йиғма темир-бетон ярим рама конструкциялардан йиғилмоқда. Корхона лойиҳадаги қувватга эришгач, ҳар йили минг тоннадан пархез гўшт бериб туради. Келес массивида комплекс учун озуқабоп экинлар экиладиган 300 гектар ер ажратилди.

Вазни 12 килограммгача борадиган ғозларни етиштириш Ўзбекистон қишлоқ матлубот кооперацияси учун янги ишдир.

(ЎзТАГ).

● КОММУНИСТИК районидаги «Правда» колхозида ғўза парвариши қизғин бошлаб юборилди. Бу ишда хўжаликнинг Андрей Цай ва Тўйлибой Сидиқов каби тажрибали механизаторлари алоҳида жонбозлик кўрсатишяпти.

Суратда: (чапдан) А. Цай ва Т. Сидиқов ўртоқлар.

В. Портнов фотоси.

*

ПИРОВАРД НАТИЖА ВА ДАРОМАД

РАЙОНИМИЗ меҳнаткашлари жамоат чорвачилигини интенсив ривожлантириш, гўшт, сут, тухум етиштиришни кўпайтириш соҳасида қизғин кураш олиб бориб қувончли ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Жумладан, ўтган йили давлатга пландагига қўшимча 913 тонна сут, 681 тонна гўшт, 2 миллион 287 минг дона тухум сотилди. Бундай юксалишга чорва моллари наслини яхшилаш ва зооветеринария қоидаларига қатъий амал қилиш йўли билан улар маҳсулдорлигини ошириш ҳамда ем-хашак базасини мустаҳкамлаш ҳисобига эришилмоқда. Қатор хўжаликларда беда, маккажўхори дони, хашаки ва ширали экинлар, оралиқ экинлари ҳосилдорлигини ва улар экиладиган майдонлар унумдорлигини оширишга жиддий эътибор берилмоқда.

Кейинги йилларда айрим хўжаликларда бедазорларга ишлов бериш, озиқлантириш ва суғориш билан шуғулланадиган бригада ва звеноларнинг ташкил этилганлиги ўзини оқлади. Беда ўрими тезлашди, ҳосилдорлик ошиб, қишловга сифатли беда пичани тайёрлаш ҳажми анча кўпайди. Янги усул ер, сув, моддий-техника ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга, энг юқори пировард-натижаларга эришишга ёрдам бермоқда. Шу билан бир вақтда ем-хашак бригадалари аъзоларининг моддий манфаатдорликлари ҳам ўсди. Буни айрим бригадалар иш натижаси таҳлилида кўриш мумкин.

Ўтган йили Ленин номли колхознинг Абдураим Каримов бошлиқ звеносига беда экиш учун 30 гектар майдон ажратиб берилди. Звено аъзоларига беданц парвариш қилганликлари учун меҳнат ҳақи сифатида ойига 150 сўмдан, саккиз ой давомида 1200 сўм ҳақ тўланди. Йил охирига келиб звенода ҳар гектар майдондан 203 центнердан ҳосил олинди ва пландаги 420 тонна ўрнига 611 тонна беда пичани тайёрланди. Пландан ошиқча тайёрланган 191 тонна пичанинг ҳар бир тоннаси учун 10 сўмдан, жами 1910 сўм қўшимча ҳақ тўланди.

Коллектив пудратига муваффақ ишлаётган бригада ва звено аъзоларининг меҳнатига баҳо беришда уларнинг қандай ишлаётганликлари эмас, балки пировард натижа асос қилиб олинди. Меҳнатга тўланадиган ҳақ етиштирилган маҳсулот миқдори ва сифатига бевосита боғлиқ ҳолда белгиланди. Бунда аъзоларнинг шахсий манфаатлари хўжаликнинг маҳсулот етиштиришни кўпайтиришдаги умумий манфаати билан мос бўлиб тушди. Шу тарақа звенонинг саккиз ойлик умумий даромади 3110 сўмданга, уларнинг ўртача ойлик даромадлари эса 390 сўмданга тўғри келди.

«Далварзин» совхозидаги Ойиддин Зайниддинов звеноси эса 40 гектар ерга беда уруғи экиб, 120 центнердан ҳосил олиш юзасидан хўжалик билан шартнома тузган эди. Амалда бу кўрсаткич 220 центнерга етказилди. Хўжалик фойдасига пландагидан 400 тонна кўп хашак тайёрланди. Шунга яраша икки кишидан иборат звено аъзоларининг даромадлари ҳам 1,5—2 ҳисса кўпайди. Улар экин парвариши давомида 1600 (ойига ўртача 200) сўмдан иш ҳақи олишганди. Пландан ташқари етиштирилган ҳосил учун эса 4 минг сўм пул мукофоти берилди. Шундай қилиб, уларнинг саккиз ойлик иш ҳақлари 5600 сўмдан, ойлик маошлари эса 350 сўмданни ташкил қилди.

Ўтган йили район бўйича 65 та звено ана шундай нарядсиз система асосида иш юритиб, беда ҳосилдорлигини бошқа бригадалардагига нисбатан анча оширдилар. Бу бригада ва звеноларда меҳнат интизомини мустаҳкамлашда коллектив таъсири ва масъулияти кучайди, ишга онгли муносабат қарор топди.

Бу йилдан бошлаб район партия комитети ва район агросаноат бирлашмаси ҳамкорликда ҳақ тўлашнинг янги аккорд шартнома системасини маккажўхори дони ва силос учун кўкпоя етиштирадиган коллективларда ҳам қўллаш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқди. Шу мақсадда 79 та маккажўхоричилик звеноси ташкил қилиниб, хўжаликлар билан улар ўртасида тузилган шартномалар маъқулланди. Бу шартномалар ҳам хўжалик, ҳам звено аъзолари манфаатларига мос тушиши жиҳатидан диққатга сазовордир.

Ленин номли колхознинг Тўлқин Давронов бошлиқ звеноси план бўйича 20 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 52 центнердан дон, 156 центнердан кўк поя ҳосили олади. Колхоз правлениеси звено аъзоларига агротехник тадбирларни ўз муддатида сифатли ўтказганликлари учун ҳар бир гектар ҳосилига бир ойга 17 сўмдан, 20 гектар майдон учун беш ойда 2500 сўм аванс тариқасида иш ҳақи тўлайди. Агар пировард-натижада ҳосилдорлик 50 центнердан ошмаса, звено аъзолари мавсум давомида олган иш ҳақлари билан чекланиб қоладилар. Бунда бир тонна дон учун иш ҳақи 10 сўм, бир тонна кўкпоя учун 5 сўмни ташкил этади. Ҳосилдорлик шартномада белгиланганидан юқори бўлса, иш ҳақи юз фоиз ортади. Яъни етиштирилган ҳар бир тонна донга 20 сўмдан, кўкпояга 10 сўмдан ҳақ тўланади.

Меҳнатни бундай юқори қадрлаш, рағбатлантирилган усулда ҳақ тўлаш деҳқонларни ғайрат кўрсатиб ишлашга, уруғлик, ўғит ва бошқа ресурсларни тежабтергаб сарфлаш ҳамда ҳосилдорликни кескин оширишга даъват этади. Натижа эса ўз-ўзидан маълум: хўжаликларда чорва экинлари ҳосилдорлиги ошади, қишлов учун мўл ва сифатли ем-хашак жамғарилади.

Бу йил чорвадорларимиз 2335 тонна гўшт, 13 минг тонна сут, 4 миллион 225 минг дона тухум етиштиришга аҳд қилганлар. Бунинг учун 60 минг тонна дағал хашак, 55 минг тонна ширали озуқа тайёрлаш лозим. Шундан 21 минг тоннасини беда пичани, 2000 тоннасини беда уни, 45 минг тоннасини силос ташкил қилади. Умумий озуқанинг асосий қисмини нарядсиз система бўйича иш олиб бораётган 144 та звено аъзолари етиштириб берадилар. Йил охиригача уларнинг сони 220 тага етказилади. Келгуси йилдан бошлаб биз бундай ҳар томонлама фойдали тадбирни пахтачилик, полизчилик, сабзавотчилик ва мевачилик соҳаларида ҳам қўллашни режалаштирганмиз. Шоличилик бригадаларининг айримлари эса ҳозирдан бошлабоқ янги система асосида ишлашга ўтмоқдалар.

Э. ХАТАМОВ,
Бекобод район партия комитетининг биринчи секретари.

ҚИШЛОҚДА БРИГАДА ПУДРАТИ

БИЗ ШУНДАЙ ЯШАЙМИЗ

ЯҚИНДА таниш колхоз раисларидан бири капиталистик мамлакатга қилган туристик саёҳатдан қайтиб келди. Уйига келган заҳотиёқ битта ёпган нонни водопровод сувига ботириб, апилтапил еб олди.

— Шундай улуғ, бадавлат Ватанда яшаётганимиз учун минг шукур, — деди у. — Уйимиз, жойимиз бор. Тўкин дастурхонимиз бор. Тирикчилигимизни қандай ўтказамиз, деб сира ташвиш тортмаймиз. Бунинг эвазига кеча-ю, кундуз меҳнат қилсак оз.

Биз ҳозирги фаровон ҳаётимизга одатдаги ҳаёт деб қарашга ўрганиб қолганмиз. Тинч, ҳеч нарсага муҳтожлик сезмай яшаш турмуш тарзимизга айланиб қолган. Аслида эса бу тўкинчилик, фаровонлик партия ва ҳукуматимиз ғамхўрлиги, фидокорона меҳнатимиз натижасидир. Киши гоҳида ўз қадрдон қишлоғи, шаҳри қадрини билмаганидек, ўз жонажон Ватанининг нақадар афзаллигини чет элларда бўлиб қайтганида янада яққолроқ сезади.

...Калинин районидаги Калинин номли колхознинг сабзавотчилик бригадаси бошлиғи, Ленин ордени ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери, СССР Давлат мукофотининг лауреати Солиҳ Каримов кўпни кўрган тадбиркор инсон. У колхозлаштиришнинг оғир даврини ҳам, Улуғ Ватан урушининг оловли йилларини ҳам, халқ хўжалигини тиклаш қийин пайтларини ҳам сира ёдидан чиқармайди. Қўлига қурол олиб, фашист босқинчиларига қарши курашди. Фронтдан ярадор бўлиб қайтгач, колхозда ишлашни давом эттирди.

— Энди пенсияга чиқиб, дам олсангизчи, — дейишади унинг ҳамон тиниб-тинчимаётганини кўрган баъзилар.

— Шунақа ҳаётда дам олиб бўладими? — дейди Солиҳ ота бўш келмай. — Меҳнатингга яраша ҳурмат-эътибор кўрсатишса, мақташса. Бундай ҳаётни орзиқиб кутгандик-ку!

Бу сўзларни эшитиб, беихтиёр ўйлайсан киши: меҳнат қилиш совет кишиларининг маънавий эҳтиёжи, ички талабига айланиб қолди. Жуда кўпчилик бундан кейинги турмушимиз фаровонлигининг даражаси аввало ўзимизнинг қандай ишлашимизга боғлиқлигини тўғри тушиниб слганлар. Ишонич топширилган вазифага, бурчга ҳамма вақт масъулият сезиш, ишлаб чиқаришга онгли муносабатда бўлиш одамларимизнинг оддий, лекин олий фазилатларидан бирига айланган. Халқ хўжалиги барча соҳаларида эришаётган ғалабаларимизнинг ҳам бош омили ана шундадир.

Меҳнатга муҳаббат болаликдан бошланади. Зеро, кишиларнинг қадр-қиммати аввало меҳнатга муносабатга қараб белгиланади. Шунинг учун ҳам бизда меҳнат шон-шараф иши қолаверса, виждон ишига айланган.

Маълумки, одамда ўзини яхши кўрсатиш, ўзига кўпчилик эътиборини тортиш каби табиий ҳислатлар ҳам бўлади. Ана шунинг рўёбга чиқиши, бутун куч, билим, тажрибанинг намойиш этилиши учун эса Ватан равнақи, халқ бахт-саодати йўлидаги фидорокона меҳнат ёрдам беради.

Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхозининг машинада сут соғиш оператори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мунаввар Исоқова билан йиғилишларда бирга бўлишга тўғри келиб қолади. Ўшанда опани кузатган баъзилар унинг бетоқатлигини кўриб, ҳайрон бўлишиб, колхоз йиғилишига қатнашишга вақт ажратиб қўйибди-ку, тағин қаёққа шошади, мунча безовта бўлмаса деб ўйлаши мумкин.

Сигирларимни соғишга кечикяпман, — деб жавоб берди у бир кун шундай саволга. — Бунақада маҳсулотим камайиб кетиши мумкин.

Эътибор беринг-а: унинг сигирлари, унинг маҳсулоти. Демак Исоқова колхозишини ўз иши, колхоз сигирини ўз сигири деб тушунади. Эришаётган муваффақиятининг сири ҳам ана шундадир. У ўтган йили ҳар бош сигирдан ўртача 5508 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олди. Бу республикада энг юқори кўрсаткичлардан биридир.

СССР халқ хўжалигини ривожлантириш 1983 йил планларига назар ташлаб, қалбинг беихтиёр қувончларга тўлиб кетади. Партиямизнинг «Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун» деган олижаноб ҳикматли шиори ана шу планларда ҳам ўз аксини топди. Бироқ бу планларнинг муваффақиятли амалга оширилиши аввало бизнинг ўзимизга, қандай меҳнат қилишимизга боғлиқдир. Шунинг учун менга қолса «Ҳар бир кишининг куч-ғайрати, тажрибаси, билими жамият учун, жамиятнинг тараққиёти учун» деган шиорнинг ҳам қўлланилишини таклиф этардим. Чунки жамият учун меҳнат қилиш ўзимиз учун, ўз фаровонлигимиз учун меҳнат қилиш демакдир.

Москваликлар ҳамма вақт яхши ташаббусларнинг ижодкорлари бўлиб келишган. Уларнинг ўтган йилнинг охирида ишлаб чиқариш ва давлат интизомини мустаҳкамлаш тўғрисидаги ташаббуслари ҳам республикамиз бўйлаб кенг қулоч ёйди. Бу бежиз эмас, албатта. Бизнинг социалистик жамиятда меҳнат шон-шараф иши экан, унга онгли муносабат, қатъий интизомга риоя этиш виждон ишига айланган. Соф виждон эса инсонга ҳамма вақт қандай яшашни айтиб турган.

Қайси бир корхона ёки ташкилот, колхоз ёки совхозга борсангиз «Ҳурмат тахта» рўпарасига келасиз. Оддий ишчилар, колхозчилар, знёлилар суратини кўрасиз. Ўз бурчларига бўлган муносабат, на фақат ўз ишлари учун, балки бутун коллектив иши учун масъулият уларни ана шундай ҳурмат-эътиборга сазовор этган. Бироқ бу илғорлар панасида ишга кечикиб келиб, эрта кетадиган, ичкиликка ружу қўйганлар ёки бўлмаса бундай ёмон ҳислатлар йўқ-ку лекин нормасини бажармайдиган даҳгасалар ҳам учраб туради. Биз кўпинча ана шундайларга нисбатан турли жазо чораларини қўллаймиз. Сир эмас, баъзан уларни ўз ҳоҳишларига кўра ишдан бўшашга мажбур қиламиз. Бу билан коллективни иллатли кишилардан халос этамиз. Оқибатда улар яна бошқа бир коллективга борадилар. Барибир у ерда ҳам ёлчитиб ишлаолмайдилар. Дог туширадилар, айрим ёшларга салбий таъсир кўрсатадилар. Эндиликда ана шундай ҳолларга сира йўл қўйиш мумкин эмас. Коллектив тарбиячи бўлиши, ҳар бир аъзосининг хулқ-атвори учун бутун масъулият билан жавоб бериш керак. Коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодексидаги «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун» деган ҳикматли шиор ҳам худди шу боисдан айтилгандир.

Бизда мусобақа илғорларини тақдирлашнинг турли хил методлари мавжуд. Бироқ ҳар қандай рағбатлантириш аввало тарбиявий аҳамиятга эга бўлиши керак. Агарда ана шу нарса эътибордан четда қолдирилса, бериладиган мукофот қанчалик қимматбаҳо бўлмасин барибир қадрий йўқолади. Кишини хурсанд қилиш ўрнига ранжитиб қўйиш ҳеч гап эмас.

Яқинда шундай мазмундаги шикоят хати билан таништирмоқ ўтгри келди: «Мен 25 йилдан бери колхоз фермасида ишлаб келаман, — деб ёзибди соғувчилардан бири, — планларимни доим ошириб бажараман. Шунга раҳмат эшитаман. Лекин яқинда зоотехникимиз мени қаттиқ хафа қилди. Йўқ мени урушмади, ҳақоратламади. Соғувчилар ўртасидаги мусобақада ғолиб чиққаним учун конвертда мукофот пули берди. Бу пулни сигир соғаётганимда узатди. Наҳотки кўпчилик ичида бир оғиз илиқ сўз айта олмасди?».

Бу хатни ўқиб, ўйга толасан, киши. Демак, одамларимиз меҳнатдан фақатгина моддий манфаатдорлик кўриш учун эмас, балки, маънавий рағбатлантиришларини ҳам истайдилар. Демак, обрў ҳам, шараф ҳам меҳнатга яраша бўлиши керак.

Ватанимиз қудратли ва бадавлат, бу давлат бизникидир. Шунинг учун уни янада қудратлироқ, бадавлатроқ қилиш биринчи галдаги бурчимиздир. Ҳалол, фидокорона меҳнат қилиш ана шу бурчимизни яхши адо этаётганимизнинг исботидир. Улуғвор беш йиллик планлари, ёрқин, нурли уфқлар бизни ана шунга чорламоқда. Порлоқ келажагимиз шуни тақозо этмоқда.

Капиталистик мамлакатларнинг биридан келган туристлар Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи донгдор ишчиси билан суҳбатлашиб, шундай деб сўраб қолишди:

— Сиз менинг цехим, менинг заводим дейсиз, нима, бу цех, бу заводни ўз пулингизга қурдирганмисиз?

Ишчи қуйидаги жавобни берди:

— Ҳа, ўз пулимга, ўз давлатимнинг пулига қурилган булар. Давлат эса бизнинг ўзимиздир.

Жуда тўғри гап. Жамият тараққиёти йўлидаги меҳнат шон-шараф ишига айланган бизнинг социалистик Ватанимизда ҳаммаси халқникидир. Негаки, биз совет халқимиз. Биз шундай яшаймиз!..

Абдусаттор ХАТАМОВ.
СССР Журналистлар союзининг аъзоси.

СОВЕТ ТУРМУШ ТАРЗИ

«ЛЕНИНГРАД» ДАЛАЛАРИДА

БИЗНИ чўлқувар дейишади. Ҳар сафар шу ном билан эъзозлашганда беихтиёр фахрланиш туйғусини ҳис этамиз. Зотан, бундай фахрланишга ҳақлимиз, албатта. Чунки кучли шамол тўхтовсиз чангтўзон кўтариб эсиб турадиган бизнинг шароитимизда чўл ерларни ўзлаштириш, уни эл-юрт манфаати учун хизмат қиладиган бойлик манбаига айлантириш осон эмас.

Тўғри, биз ҳозирча чўл бағридан юлиб олиниб пахтазорларга айлантирилаётган майдонлардан ўзимиз хоҳлаган даражада мўл ҳосил олишга эришаётганимиз йўқ. Сабаби — узоқ йиллар ташландиқ бўлиб ётган ерларни қисқа муддатда унумдор қилишнинг иложи ҳам йўқ. Шунинг учун йил сайин сабр-тоқат ва матонат билан меҳнат қилишга, чўлни ҳар томонлама маданийлаштиришга тўғри келади.

Бригадамиз аъзолари ўзлари жазм этган ана шу мураккаб, шу билан бирга шарафли вазифани ёруғ юз билан уддалаш йўлида астойдил ҳаракат қиляптилар. Ўтган йили янги ўзлаштирилган 60 гектар майдонда иккинчи йили деҳқончилик қилдик. Ер шароитига асосланган ҳолда йиллик план белгиланди. Пахтакорларимиз эса кўп йиллик тажрибаларини ишга солиб фидокорона меҳнат қилдилар ва пландаги 14,8 центнер ўрнига 21 центнердан чўл дурдонаси йиғиштириб олдилар. Эришилган бу натижа юксак баҳоланганлиги ҳам табиийдир, албатта.

Бу йил ҳам ана шу 60 гектар майдонга барака уруғи қадалди. Чигитни тупроқнинг табиий намига тўла ва қийғос ундириб олишни асосий мақсад қилиб уруғликни аввалги йиллардагига нисбатан эртароқ муддатларда эккан эдик. Бироқ кўкламнинг қуруқ келиши, бунинг устига тўхтовсиз эсиб турган шамол бригадамиз аъзолари олдига бир қатор қийин муаммоларни қўндаланг қилиб қўйди. Шамол таъсирида тупроқнинг уруғлик чигит тушган юқори қатламидаги озгина намлик ҳам тез қўтарилиб кетди. Чигитнинг униб чиқиши хавф остида қолди. Бундай пайтда иккиланишга ўрин қолмайди. Ҳосил кўчатдан олинишини ҳаммамиз яхши биламиз. Бунга эса энг аввало ердаги уруғликни тўла ундириб олмасдан туриб эришиб бўлмайди.

Шундай қилиб чигит суви беришга қарор қилдик. Асосий масъулиятни ўз зиммаларига олган сувчиларимиз Нурали Султонов, Нор Қўлдошев, Турсунқул Худойназаровлар кечаю-кундуз тиним билишмади. Бошқалар ҳам қараб туришгани йўқ. Сувчиларни ёлғизлатиб қўймай, уларга қўлларидан келганча ёрдам бериб туришди.

Тўрт-беш кунлик ғайратшижоат мана энди ўз самарасини кўз-кўз қилиб турибди. Биринчи сув таралган майдонларда ғўза ниҳоллари қийғос униб чиққан.

Аммо ҳозир хотиржамликка бериладиган пайт эмас. Чигит суви берилиши муносабати билан далалардаги юмушлар бирмунча кўпайди. Сув таъсирида бегона ўтлар у ер бу ерда ер бетида кўриниб қолди. Бундан ташқари уруғлик эндигина тупроқ ёра бошлаган карталарга бригада аъзоларини оммавий сафарбар этишга тўғри келаётир. Буни тўғри тушунган бригадамиз аъзолари ахил-иноқлик билан 1 Май байрамини пахтазорларда кутиб олдилар.

Мақсадимиз гектарларда кўчатни бутлаб олиб, бу йил ҳосилдорликни камида 35 центнерга етказиш ва совхозимиз коллективининг 5000 тонналик хирмонига муносиб улуш қўшишдир.

Н. РАҲМОНОВ,
Бекобод районидаги «Ленинград» совхозининг 5-бўлими бригада бошлиғи.

ЧОРВАМИЗ ЖОНКУЯРЛАРИ

БАЙРОҚ КЎТАРИЛДИ

ОҚҚЎРҒОН районидаги «Партия XXII съезди» колхози сут-товар фермасига кираверишда енгил шабодада хилпираб турган Қизил байроқ беихтиёр киши диққатини ўзига тортади. У ҳар ўн кунда илғор сут соғувчилар ва молбоқарлар шарафига кўтериляпти. Бу ўн кунликда эса байроқ сут соғиб олишда энг яхши натижаларга эришган соғувчи, Ўзбекистон Компартияси XX съездининг делегати М. Қўлдошева ҳамда бўрдоқибоқар С. Ўтановлар шарафига кўтарилди.

— Чорвадорларимиз ўртасидаги социалистик мусобақага ҳар ўн кунда якун ясалади, — дейди колхоз касаба союз ташкилоти раиси А. Шамсутдинов. — Ғолиблар ҳам маънавий, ҳам моддий рағбатлантириб борилади. Йил давомида беш марта мусобақа ғолиби бўлганлар эса колхознинг «Ҳурмат китоби»га ёзиладилар.

Ана шу тадбирнинг ўз вақтида, изчил амалга оширилаётгани самарали натижалар беряпти. Фермада ишлаётган кўплаб чорвадорлар илғорларга тенглашиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Бу тадбирнинг яна бир афзаллиги шундакй, у меҳнат интизомини мустаҳкамлашга ҳар бир кишининг ўзига топширилган вазифани ортиғи билан, бажаришига ёрдам бераяпти.

П. ЭРГАШЕВ.

Жаҳон янгиликлари

ТИНЧ КОСМОС УЧУН

Ўртоқ Ю. В. Андроповнинг америкалик олимлар ва жамоат арбоблари группасининг мурожаатига берган жавоби хусусида дунёда кўпдан-кўп фикрлар билдирилмоқда. Чет эл оммавий информация воситалари, таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари, олимлар СССР қуролланиш пойгасини космосга олиб чиқиш мудҳиш режаларини барбод этишга, космосдан фақат инсоният фаровонлиги йўлидаги тинчлик мақсадларидагина фойдаланишига муваффақ бўлиш учун азму қарор қилганлигини таъкидламоқдалар.

Ю. В. Андроповнинг жавоби жуда масъулиятли ва конструктив ҳужжатдир, деб таъкидлади америкалик машҳур олим **Масса Чусец**, технология институтининг профессори **Жорж Ратженс**. Совет раҳбарига қилинган мурожаатномани имзолаган кишилардан бири сифатида берилган жавобини табриклайман, унинг ҳамма фикрларига тамомила қўшиламан, деди олим.

Мурожаатномани имзолаган Корнел университети планета тадқиқотлари лабораториясининг директори, профессор **Карл Саган** бундай деди:

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари космик фазони ҳарбийлаштириш натижасида келиб чиқадиган хавф-хатар муносабати билан ташвишларимизга қўшилганлигидан ҳурсандмиз. Биз мурожаатномамизни Совет Иттифоқи, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Ҳиндистон, Хитой ва Япония раҳбарларига юбордик. Шулардан фақат Совет Иттифоқигина мактубимизга жавоб қайтарди. Биз биринчи бўлиб жавоб қайтарганлиги учун Ю. В. Андроповдан миннатдормиз. Энди президент Рейгандан жавоб кутаяпмиз.

Канаданинг таниқли олими, Нобель мукофотининг лауреати **Герхард Херцберг** Ю. В. Андроповнинг Совет Иттифоқи қуролланиш пойгасини космосга чиқариш мудҳиш режалари воқеликка айланмаслиги учун бундан буён ҳам жамики куч-қувватларини сарфлайверади, деб ишонтирганлигини табриклади. Мен ўйлайманки, Ю. В. Андропов айтган фикрларга бутун дунё аниқ равшан қўшилади, деб таъкидлади олим. АҚШ ҳукумати ҳам КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг позициясига қўшилса керак, деб умид тутиш мумкин. Канадалик олим АҚШ президентининг қуролланиш пойгасини космосга чиқариш режаларини қоралаб, унинг ўрнига қуролсизланиш борасидаги музокараларда силжишга эришиш зарур деди.

Ю. В. Андропов, деб ёзади Франциянинг **«Монд»** газетаси, космик фазода ҳар қандай турдаги қурол жойлаштирилишини тақиқлайдиган шартнома ишлаб чиқиш мақсадида кечиктирмай музокаралар бошлашга даъват этди. Акс ҳолда совет раҳбарининг фикрича қуролланиш пойгасининг космосга чиқарилиши воқеликка айланиши мумкин.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, деб хабар беради Ғарбий Германиянинг **ДДП** информация агентлиги. Совет Иттифоқи қуролланиш пойгаси космосга кўчирилишига тўсқинлик қилишга тайёр эканлигини уқтирди.

Совет раҳбари, деб ёзади Италиянинг **АНСА** информация агентлиги, америкалик олимлар космоснинг тинч келажаги тўғрисида ташвишда эканликларига баҳо қўшилганлигини айтди. СССР АҚШга нисбатан космик фазода ҳар қандай турдаги қурол жойлаштирилишини тақиқлаш тўғрисида шартнома тузишни таклиф этмоқда.

Японияннинг **«Санкэй симбун»** газетаси АҚШнинг стратегик ҳисобларида ҳарбий космик техникадан фойдаланишга тобора кўпроқ роль бериб борилиши муносабати билан Совет Иттифоқининг жиддий ҳавотирда эканлигини таъкидлайди.

Совет раҳбари, деб ёзади Деҳлида чиқадиган **«Индиан экспресс»** газетаси, қуролсизланиш комитетида ҳар қандай турдаги қуролни космик фазода жойлаштиришни тақиқлаш тўғрисидаги шартнома лойиҳаси устидаги иш ҳанузгача бошланмаганлиги учун АҚШ ва НАТО блокига аъзо бошқа бир қанча мамлакатлар жавобгар эканликларини очиқ-ойдин кўрсатди.

(ТАСС).

ВЬЕТНАМ ҚУШИНЛАРИ ОЛИБ ЧИҚИБ КЕТИЛА БОШЛАДИ

● ПНОМПЕНЬ. Вьетнам кўнгилли қўшинларининг навбатдаги қисмларини Кампучиядан олиб чиқиб кетиш бошланди. Бу тадбир шу йил февраль ойида Ҳинди—Хитой мамлакатлари олий раҳбарларининг Вентьянда бўлиб ўтган кенгашида қабул қилинган Кампучия Халқ Республикаси билан Вьетнам Социалистик Республикасининг баёнотига ҳамда Кампучия Халқ Республикаси, Вьетнам Социалистик Республикаси ва Лаос Халқ Демократик Республикаси ташқи ишлар министрларининг шу йил апрель ойида Пномпенда бўлиб ўтган конференцияси қарорига мувофиқ амалга оширилмоқда. Вьетнам халқ армиясининг пиёдалар дивизиясини, бевосита бўйсунувчи олтита бригада ва полкни ўз ичига олувчи «Киулонг» корпуси КХР территориясидан ватанга олиб кетилмоқда.

(ТАСС).

ХРОНИКА, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

ЭНЕРГОГИБРИД

● АВСТРАЛИЯНИНГ Микатарра шаҳрида ғаройиб қуёш электр станцияси ишлай бошлади. Унинг қуввати эса жуда оз. Бор-йўғи 100 киловатт. Лекин умумий майдони 960 квадрат метр бўлган бу қуёш батареялари электр энергиясининг фақатгина ярмини ҳосил қилади. Қолган 50 киловаттни эса унинг яқинида жойлашган корхоналарнинг фойдаланилмай қолган иссиқлик энергиясидан олинмоқда. Бу энергогибриддан фойдаланиш эвазига юз минг литр дизель ёнилғисини тежаб қолиш мумкин,.

ҚУМ ВА ПОЛИМЕР ҚОРИШМАСИ

● ҚАНДАЙ қилиб саҳрони гуллаётган воҳага айлантириш мумкин? Бу муаммо кўпчиликнинг бошини қотирмоқда. Мисрнинг Исмоилия шаҳрида жойлашган қишлоқ хўжалик эксперименталь-тадқиқот станциясида бу муаммони ҳал қилишнинг қизиқ бир йўлини топишди. Станция мутахассислари бир куб метр қумни 3 килограмм донадор полиакриламид билан аралаштиришни таклиф этишди. Бу полимер сув тўплаш хусусиятига эга. Синовлар натижаси шуни кўрсатдики, маккажўхори ўстирилганда уни суғориш учун сув сарфи 65 процентгача камаяр экан.

ЁДГОРЛИКЛАР УЧУН ЛИБОС

● ИТАЛИЯ пойтахти ҳокимлари Римдаги антик даврда қурилган давлат ёдгорликларини ойна ва пластика билан қоплашни таклиф қилмоқдалар. Бундан мақсад шу ёдгорликларни бузилиб кетишдан сақлашдир. Бу таклиф археологларнинг шу ерда кузда бўладиган халқаро конгрессида кўриб чиқилади. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, кўпчилик ноёб иншоотларнинг бузилиб кетиш хавфи кучаймоқда, уларни авлодларга сақлаб қолиш учун шошилинч чоралар кўриш зарур.

«ЮБИЛЕЙ» ИШГА ТУШДИ

Коммунистик район меҳнаткашлари яна бир қувончли воқеанинг шоҳиди бўлдилар. Янгибозор посёлкасида қад кўтарган «Юбилей» универсал магазини ва унинг ёнида музқаймоқ билан савдо қилувчи кафе ишга туширилди.

Магазин расталарига халқ эҳтиёжи учун керак бўлган буюмлар дид билан териб қўйилган. Бу ерда харидорларга 50 нафар малакали ходим савдо хизмати кўрсатади.

Кеча Янгибозор посёлкасида универмагнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Митингни район ижроия комитетининг раиси И. И. Ли очди. «Облколхозстрой» трестининг 98-колхозлараро механизациялашган колоннаси бошлиғи А. Эргашбоев қурувчилар номидан рамзий калитни савдо ходимларига топширди. Сўзга чиққан сотувчи Ф. Шокаримова, меҳнат ветерани В. Жоля, район матлубот жамиятининг раиси Ж. Абдусаломов ва бошқалар қурувчиларга миннатдорчилик билдиришди.

Универмагнинг очилиш маросимида область партия комитетининг иккинчи секретари В. А. Антонов, «Узбекбирлашув» правлениесининг раиси З. Ш. Сирожев ўртоқлар иштирок этдилар.

ОБЛАСТИМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

КИМЁГАРЛАР САРОЙИ

Олмалиқ химия заводи ишчилари қурувчилардан ажойиб совға олдилар. 400 ўринли янги маданият саройи қуриб битказилди.

Қурилишда энг замонавий бинокорлик материалларидан фойдаланилди. Шарқ услубига хос кунгиралар сарой ҳусн-жамолини яна ҳам очиб юборган.

Саройнинг очилишига бағишланган тантаналардан сўнг йиғилганлар ҳузурида Ўзбекистон Давлат филармонияси артистлари махсус программада концерт қўйиб бердилар.

Янги маданият саройида турли хил тўгараклар ишлай бошлади. Санъат шинавандалари учун чолғу асбоблари сотиб олинди. Бичиш-тикиш, рассомлик, ўймакорлик тўгараклари машғулотлари бошлаб юборилди. Спорт билан шуғулланиш учун ҳам зарур шароитлар яратиб берилган. Кутубхона фонди эса қизиқарли китобларга бойиб бораяпти.

Куни кеча сарой залида дастлабки кўргазма очилди. Кўргазмада ҳаваскор рассомлар ҳамда амалий санъат усталарининг асарлари намойиш этилмоқда.

АВТОҲАВАСКОРЛАРГА АТАБ

Республикамиз пойтахтида яратилиши кўзда тутилган йўллардан бирида сиз автоинспекторларни ҳам, оддий машиналарни ҳам кўрмайсиз. Унда фақат шофёрлик курсида ўқиётган ҳаваскор ҳайдовчилар юришади.

Ҳозир ДОСААФ автомотоклубларида ҳамда автокорхоналар ҳузурида ташкил этилган курсларда таҳсил олаётган ҳаваскор ҳайдовчилар машина ҳайдаш кўникмасини шаҳарнинг серқатнов кўчаларида олишяпти. Бу эса ёш, тажрибасиз автомобилчиларга ҳам, уларнинг ҳаракатларини назорат қилиб бораётган инструкторларга ҳам қийинчилик туғдиряпти. Қолаверса, программа асосида машғулотларни тўла ўтказиб бўлмаяпти. Чунки, кўпроқ программага эмас, интенсив ҳаракатга риоя қилишга тўғри келяпти.

Яқинда ДОСААФ Марказий комитети ҳамда Ўзбекистон ССР Давлат автомобиль инспекциясининг кўрсатмасига мувофиқ Тошкент шаҳрида автодром қуришга қарор қилинди. ТашНИИПИгенплан» институтининг бир группа лойиҳачилари автодром лойиҳасини ишлаб чиқдилар. Автодромни Бешкент ва Файзиобод кўчалари оралиғида қуриш мўлжалланмоқда. Шу ернинг ўзида ўқув-машғулот майдончалари, лаборатория корпуслари, шунингдек ўзига хос чорраҳалар, бурилишлар барпо этилади. Лекин чорраҳаларда автоинспекторлар эмас, мураббийлар туришади.

М. ЗАРИПОВ.

КЎРГАЗМАНИНГ ДАМ ОЛИШ ЗОНАСИ

Ўзбекистон Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг дам олиш зонаси ўзининг янги мавсумини бошлади. Сўлим ҳиёбон янги аттракционлар, прокат пунктлари, моторли «Саёҳат» катерлари билан янада бойиди, Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейига бағишланган плакат ва композициялар билан қайтадан жиҳозланди.

Дам олувчиларга, айниқса, Киров район китобсеварлар жамияти ходимлари томонидан ташкил қилинган бадиий ва сиёсий китоблар савдоси манзур бўлмоқда.

Қ. ЭРДОНОВ.

● **АКМАЛ ИКРОМОВ** **районн территориясида жойлашган Ўзбекистон эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий текшириш институти шифохонасида тиббиётнинг қатор йирик мавзулари бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Суратда: медицина фанлари кандидати, шифохона реанимация бўлимининг мудири Баҳтиёр Аъзамов (ўртада), лаборатория мудири Нурия Жалилова (олдинги планда) ҳамда лаборант Файзигул Шеримовалар иш устида.**

В. Портнов фотоси.

МАҲОРАТ ИМТИҲОНИ

Пойтахтдаги Тўқимачилар маданият саройида халқ тасвирий санъат студиясининг қатнашчилари асарлари асосида кўргазмалар уюштириш анъанага айланиб қолган. Ҳаваскор рассомларнинг ижод намуналаридан ташқил этилган навбатдаги кўргазма совет халқининг немис-фашист босқинчилари устидан қозонган буюк ғалабасининг 38 йиллигига бағишланди.

Кўргазмада безакчи-рассом Юрий Барбашов, ишчи-инструктор Елена Бакаева ва қурувчи-инженер Евгения Гараниналарнинг 100 дан ортиқ рангтасвир ҳамда кулолчилик асарлари муваффақиятли намойиш этилмоқда. Экспонат залларидаги ҳар бир асар ижодкорларнинг ўзига хос услубини акс эттиради. «Помидор» натюрморти, «Қатортол январь ойида», «Бу ерда шифохона қурилади» деб номланган ишлар Юрий Барбашовнинг табиат гўзалликларини шоирона сезги билан илғаб олиши ва бўёқларда жонли тасвирлай билишида ўз ифодасини топган. Рассомнинг «Аджимушкай катакомбаларида», «Бўрилар» сингари асарлари совет кишиларининг Улуғ Ватан уруши йилларидаги мислсиз қаҳрамонликлари ва буюк ғалабанинг жаҳоншумул аҳамияти ҳақида фикр-мушоҳада юритишга даъват этади.

Елена Бакаева ва Евгения Гараниналарнинг кулолчилик асарлари ҳам санъаткорона меҳр-муҳаббат билан яратилиши жиҳатидан диққатга сазовордир. Улар орасида шарқона услубда ишланган кўзачалар, лаганлар ва уй-рўзғор буюмлари бор.

Ҳаваскор рассомлар учун ўзига хос маҳорат имтиҳони бўлаётган бу кўргазма экспонатлари таништирф буюрувчиларга манзур бўлмоқда.

Б. ТОЖИЕВ.

Реклама ва эълонлар

ҲИСОБЛАШ ТЕХНИКАСИ ВА ПРОГРАММАЛАШТИРИШ БЎЙИЧА КИТОБЛАР

Эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу нашрларни илмий-техника адабиётларини тарқатувчи маҳаллий китоб магазинларида сотиб олиш ёки қуйидаги адрес бўйича буюртма бериш йўли билан олиш мумкин: 103031, Москва шаҳри, Петровка кўчаси, 15-уй, «Москнига» 8-магазини, «Книга-почтой» бўлими.

Адабиётлар устама ҳақ билан жўнатилади.

СВЧ МЕХАНИЗМЛАРИНИ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТАРЗДА ЛОЙИҲАЛАШ. М., «Радио и связь», 1982 й. Баҳоси — 1 сўм 20 тийин.

РАҚАМЛИ МЕХАНИЗМЛАРНИ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТАРЗДА ЛОЙИҲАЛАШ, 1981 й. Баҳоси— 1 сўм 30 тийин.

Р. ГРИСУОЛД, Ж. ПОУДЖ, И. ПОЛОНСКИ — СНОБОЛ. ПРОГРАММАЛАШТИРИШ ТИЛИ. Инглизчадан таржима. М. М., 1980 й. Баҳоси — 95 тийин.

С. ГУДМАН, С. ХИДЕТНИЕМИ — Ишлаб чиқишга кириш ва алгоритмлар анализи. М. «Мир», 1981 й. Баҳоси — 2 сўм.

М. ЗЕЛКОВИЦ, А. ШОУ, Ж. ГЕННОН —Программавий таъминотни ишлаб чиқиш принциплари. Инглизчадан таржима. М. «Мир», 1982 й. Баҳоси — 1 сўм 80 тийин.

В. И. ЗУБОВ — Бошқариш системалари динамикаси. Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланмаси. М. «Высшая школа», 1982 й. Баҳоси — 75 тийин.

К. КАСТЕЛЛАНИ — Бошқариш масалаларини ечишни автоматлаштириш. Французчадан таржима. М. «Мир», 1982 й. Баҳоси — 2 сўм 50 тийин.

Б. В. КОЛМАНОВСКИЙ, В. Р. НОСОВ — Кейинги таъсирли регулировка қилиш системаларининг барқарорлиги ва даврий режимлари. М. «Наука». Физика-математика адабиётлари бош редакцияси, 1981 й. Баҳоси — 4 сўм 10 тийин.

РАДИОЭЛЕКТРОН ҚУРИЛМАЛАР ЭҲМида МОДЕЛЛАШТИРИШ ВА ОПТИМИЗАЦИЯЛАШ. М. «Радио и связь», 1981 й. Баҳоси — 1 сўм 20 тийин.

«СОЮЗКНИГА».
«РЕКЛАМА» МАРКАЗИЙ РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.
«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ» базасидаги
40-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА
қуйидаги ихтисослар бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

МИНОРАЛИ КРАН МАШИНИСТИ, БУЛЬДОЗЕР МАШИНИСТИ, ЭКСКАВАТОР МАШИНИСТИ.

КУРСЛАРГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ИИГИТ-ҚИЗЛАР ВА СОВЕТ АРМИЯСИ САФИДА ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАБ ҚАЙТГАН ИИГИТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқувчиларга ҳар ойда 30 сўмдан стипендия, ҳамда корхона ҳисобидан 45 сўм қўшимча ҳақ тўланади.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

БИЛИМ ЮРТИНИ ТУГАТГАНЛАР «ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»НИНГ ҚУРИЛИШ ОБЪЕКТЛАРИДА ИШЛАЙДИЛАР.

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан, доимий прописка билан, сўнгра умумий асосларда турар жой билан таъминланади.

Машғулотлар группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, 286-формадаги медицина справкаси, турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат.

Паспорт ёки туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома шахсан кўрсатилади.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Луначарский шоссеси, 69-уй (1 ва 1 «э», 17 ва 24-экспресс автобуслар, 17, 18-троллейбуслар, 13, 22-трамвайларнинг «Партия мактаби» бекати, метронинг «М. Горький» станцияси).

«ҚАЙНОНА—ОНА, КЕЛИН—ҚИЗ»

МАҚОЛАСИ ГАЗЕТХОНЛАР МУҲОКАМАСИДА

ГАЗЕТАнинг шу йил 16 апрель сонида юқоридаги сарлавҳа остида эълон қилинган мақолада қайнона-келинлар ўртасидаги ўзаро муносабат, оилалардаги ҳамкорлик, ҳурмат-эътибор, меҳр-оқибат ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилиб, шу мавзуда баҳс юритиш мақсадида бир неча саволлар ўртага ташланганди.

Редакцияга шу кунларда ана шу мақола юзасидан хат-хабарлар кела бошлади. Хат ва мақола авторлари кўтарилган масала бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришган, биз улардан айримларини мунозара тариқасида эълон қиляпмиз. Илгари таъкидланганидек, баҳс давом этади.

ТОТУВЛИК ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

ҲУРМАТЛИ редакция! Газетада эълон қилинган баҳс мени жуда қизиқтирди. Бизнинг давримизда кўплаб аҳил қайнона-келинлар бор, уларни ҳаётимизда ҳар куни учратамиз. Лекин шу билан бирга муросаси келишмайдиган қайнона-келинлар ҳам йўқ эмас. Муросасизлик, менимча ҳар иккала томонга боғлиқ. Мен қайнонамнинг бешинчи келинлариман. У киши табаррук оналардан, 6 келин, 3 қуёвнинг қайнонасилар. Катта арава қаёққа юрса, кичиги ҳам шу ёққа юради деганларидек, қайнонамнинг ҳаёт тарзи, муомала-муносабатлари ҳаммамиз учун намуна. Энди баҳсдаги саволларга жавоб бераман:

1. Албатта, севиб турмуш қурганлар орасида ҳам, отаонаси маъқул кўрганга турмушга чиққанлар орасида ҳам оиласи бузилганлар учраб туради. Оила бузилмаслиги учун аввало турмуш қургандан кейин ҳар биримиз ўз бурчимизни чуқурроқ ҳис қилиб бир-биримизга меҳр-оқибат уйғота олишимиз зарур. Бу ўринда мен ўз оиламизни мисол келтирмоқчиман. Биз ҳам ота-оналаримизнинг аралашуви билан турмуш қурганмиз. Ҳозир уч фарзандимиз бор, бир-биримизни яхши кўрамиз, ҳурматимиз жойида. Демоқчиманки, ҳар қандай ота-она ҳам ўз фарзандига ёмонликни раво кўрмайди. Қиз бола борган жойида тиниб-тинчиб кетса — ота-онанинг катта бахти.

2. Аввал қийинчилик кўрган келин кейин ўзи яхши қайнона бўлади, деган гап ростга ўхшайди. Менинг қайнонамлар ҳақиқатан қийинчилик кўрган эканлар, лекин келинларига бир оғиз қаттиқ гапирганларини ҳеч биримиз эшитмаганмиз.

3. Қайнонамга бу савол билан мурожаат қилдим. Улар кўпроқ келинларнинг баодоблиги, сариштaлиги, оғир-босиқ бўлиши, катталарга ҳурмат-эътиборли бўлиш каби фазилатларини айтдилар.

4. Мен қайнонамнинг меҳрибонлигини ўз онамнинг фазилатларига ўхшатаман ва уларни онамдай кўраман. Улардаги меҳнатсеварлик, ғамхўрлик, олижаноблик каби хислатлардан ибрат оламиз.

5. Аввало қайнона келинини ўз қизидай ҳисоблаб, унга тўғри йўл-йўриқ кўрсатиши, рўзғор тутишни эринмай ўргатиши керак. Ўз навбатида келин ҳам қайнонанинг насиҳатларига амал қилса, уни ўз онасидай ҳурмат қилса кам бўлмайди.

Келиннинг ҳар бир ишидан нуқсон топишга ҳаракат қилиб, бўлар-бўлмасга турткилайверадиган қайноналар, қайнонани менсимай, сал нарсага сапчиб кетадиган келинлар орасида ҳеч қачон тотувлик бўлмайди. Меҳрибон қайноналар, азиз келинлар! Тотувлик ўз қўлимизда экан, уни кўрган киши ҳавас қилса арзийдиган қилиб яратайлик.

Раиса ИБРОҲИМОВА,
Тошкент бадиий буюмлар фабрикасининг ишчиси.

БОЛАЛАР ТАҚДИРИНИ ЎЙЛАНГ

БАҲСГА қайнона-келинлар таклиф қилинган бўлса ҳам, касбим тақозоси билан мен ҳам шу ҳақда ўз фикр-мулоҳазаларимни ёзмасдан туролмадим.

Илк бор ўқитувчи сифатида синфга қадам қўйганимга ҳадемай қирқ йил тўлади. Бу давр ичида минглаб болаларни ўқитиш ва тарбиялашга тўғри келди, ўша болалар туфайли юзлаб оиларга қадам ранжида қилиб, улар турмуш тарзининг гувоҳи бўлдим.

Эр-хотин ўртасидаги, қайнона-келин ўртасидаги муносабатлар ҳақида гап борганда менинг диққатимни биринчи навбатда болалар банд қилади. Чунки, бола — оиланинг кўзгуси. Боланинг ҳулқ-атвори, одобига қараб унинг оиласидаги муҳит қанақалигини билиб олиш мумкин.

Тасаввур қилинг: сиз синфга кирдингиз. 30—40 ўқувчи сизни кутиб олди. Барчасининг чеҳрасида, боқишларида болаларга хос бахтиёрлик. Аммо синфдаги бир ёки икки ўқувчи ўзида ҳудди мана шу руҳият йўқлиги билан бошқалардан ажралиб туради. Уларнинг юз ифодасида ёшига номуносиб лоқайдлик, лабларида табассумдан асар йўқ: баҳо қизиқтирмайди, баъзан ҳаммага қандайдир шубҳа, ишончсизлик билан қарайди. Агар бирор шўхлик қилмоқчи бўлса бу ҳам унча қовушмайди — шилқимлик, ғашга тегадиган бетамизлик бўлиб чиқади. Бу хилдаги болаларда авваламбор ота-онасига ва уйдаги бошқа катта одамларга нисбатан ўзининг совуқ фикр-мулоҳазаси бўлади. Чунки ўша хонадондаги катталар меҳр-оқибат, муҳаббат, ҳурмат ҳақида кўп гапирадилару, ўзлари бунинг тескарисича иш тутадилар. Меҳнат ва меҳнатсеварликни мақтайдилару, уйдаги юмушларга болаларни жалб қилмайдилар, иш ўргатмайдилар. Ёки бўлмаса чақимчилик қилма дейишади-ю, бола бувиси ёки тоғасининг уйидан қайтганида ундан меҳмонда нималар кўрганн, нималар еганини, ким нима деганини синчиклаб сўрайдилар...

Худди ана шундай ўқитувчиларнинг ҳам гоҳо бўлса-да учраб туриши ташвишлидир. Ундайлар ўқувчидан талаб қиладилар-у, лекин ўзлари уларга ҳеч нарса бера олмайдилар. Ҳамиша ўқувчининг ёмон хулқ-атворини юзига солиб, бошқаларга ўхшамагани учун таъна қилишади. Шубҳасиз, тарбиянинг бундай «усули» наф келтирмайди, аксинча салбий таъсир қилади. Ёки бошқа бир муаммо. Эр-хотиннинг носоз муросаси туфайли боласига етказиладиган маънавий жароҳат хусусида.

Айтайлик, бир оғиз арзимаган гап учун, ўз шахсий ғуруру, манманлиги устун келиб, фарзандини ота дийдоридан, бува ва буви меҳридан жудо қилишади, аразлаб юришади ва уларнинг ота-оналари эса: «Ажаб қилибсан, ташлаб қўйган болам йўқ. Қадрингни билсин» деб меҳрибонлик қилишади. Хўш, боланинг тарбияси, тақдири дарз кетмайдими бу билан?

Ёки бўлар-бўлмасни баҳона қилиб келинини ҳайдаб, хўрлаб қўйганлар-чи? Хоҳ қайнона, хоҳ келин, хоҳ қудаларнинг бир оғиз «Бо худо, мен нима кўрдим» деган сўзлари баъзан болаларни тирик етим қилади. Ҳолбуки, ҳар қандай келишмовчиликни болаларга сездирмасдан икки томоннинг вазминлик билан ўзаро тил топиши орқали ҳал қилса бўлади-ку. Бунинг учун оилада бир-бирини тушунишга ҳаракат қилиш керак. Наҳотки, кўнгилда бир зум алангаланган жаҳолатни фарзанд учун енгиб бўлмаса? Атоқли педагог В. Сухомлинскийдан унинг шогирдлари «Киши неча ёшида муҳаббат изҳор қилса бўлади?» деб сўраганларида у «Ота-она бўла олишга кўзинг етган ёшда» деб жавоб берган экан.

Менимча, оилада ҳамма нарса аввало фарзандларга бўлган муҳаббатга асосланиши керак. Пиру-бадаватлик насиб бўлган кексалар худди шу фазилатлари учун бахт топишган. Улар ўз орзу-ҳавасларини, иззат-нафслари, обрўларини фарзандларига бўлган муҳаббатдан устун қўймаганлар. Фарзанд ўстириб, унинг роҳатини кўрмоқчи бўлган оналар, яхши умид билан бегона хонадонга қадам қўйган келинлар ҳамиша бир-бири билан иноқ бўлишга интилишлари керак. Оиладаги ҳар бир арзимас жанжал ҳам болалар келажагига, уларнинг бахтига раҳна солиши мумкин. Бунинг олдида совуқ муносабатларни намойиш қилаверманг. Уларнинг нозик, гард қўнмаган дилини вайрон этманг. Сержанжал оилада ўсган ёки тирик етим бўлиб ўсган бола тошбағир, меҳрсиз, беоқибат бўлиб қолиши мумкин. Бунинг олдини олиш ҳар бир оиланинг ўзига боғлиқ.

С. ҲИДОЯТОВ,
Тошкентдаги 40-мактаб ўқитувчиси.

СПОРТ

СОВЕТ ХОККЕЙЧИЛАРИ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Яқиндагина Европа чемпиони деган юксак номга сазовор бўлган мамлакатимиз хоккейчилари яна бир юксак маррани эгалладилар. Улар жаҳон чемпиони бўлдилар.

Германия Федератив Республикасида Европа чемпионати ўйинларига кўра аниқланган финал тўртлик қатнашчиларининг ўзаро баҳслари ниҳоясига етди. СССР спортчилари сўнгги турда Канада хоккейчиларини 8:2 ҳисобида мағлуб этдилар ва очколар сонини 5 тага етказишди. Шу куни Швеция терма командасини 4:1 ҳисобида енгган ЧССР хоккейчилари ҳам ўз ҳисобларига 5 та очко ёзишди. Лекин шайбалар орасидаги тафовутга кўра олтин медаль СССР терма командасига, кумуш медаль ЧССР терма командасига берилди.

Бундан аввалги турда Швеция хоккейчиларини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратган канадалик спортчилар бронза медалига сазовор бўлдилар.

▲

ПЕШҚАДАМЛАР ОЧКО ИЎҚОТИШМОҚДА

Кеча мамлакат футбол чемпионатининг саккизинчи тур ўйинлари давом эттирилди. «Пахтакор» Москвада «Динамо» командаси билан куч синашди. Бир кун аввал уч учрашув бўлиб ўтди.

Шу турга қадар турнир жадвалини бошқариб келаётган Ереваннинг «Арарат» командаси яна мағлубиятга учради. Арман футболчилари Днепропетровскда «Днепр»га 0:4 ҳисобига ютқазиб қўйишди. Пешқадамлардан бири — Москва автозаводчилари ҳам очко йўқотдилар. ЦСКА — «Торпедо» матчида ҳисоб очилмади. «Шахтёр» ўз майдонида Кутаисининг «Торпедо» командасини 1:0 ҳисобида енгди.

Бугун «Спартак» — «Зенит» учрашуви билан навбатдаги турга якун ясалади.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.40— Концерт. 10.10 — «Олисдан келган аёл». Бадиий фильм. 11.20 — «Саёҳатчилар клуби». 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Телевизион ҳужжатли фильмлар. 16.15 — «Сеҳрли турна». Фильм-балет. 16.45 — «Горнчилар, қаердасиз!». 17.30 — «Сиз яратган боғ». 18.00 — «Инженер ҳақида сўз». 19.00— «Расмларда қуёш акси бор». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — «Меҳнатга яраша шараф ва шуҳрат». 20.10 — «Тириклайин қўлга олинсин». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 21.30 — «Время». 22.05— «Олам кинокамера кўзгусида». 23.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Зенит». 2-тайм. 23.45 — «Дунё воқеалари». 24.00 — «Спорт ҳафталиги».

МТ-II. 9.00 —Эрталабки гимнастика. 9.15 — «Селигер, менинг муҳаббатим ва ташвишим». Ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.35 —Астрономия. 10.05— ва 13.40 — Немис тили. 11.05— Эстетик тарбия. 11.35 ва 12.40 — М. Сервантес. «Дон Кихот». 12.05 — «Ота-оналар, Сизлар учун». 13.10 — Физика. 14.10— «Фан ва турмуш». 14.40 —«Ленин — журналист ва редактор». 15.40 — «Совет Иттифоқига хизмат қиламан». 16.20 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — «Каргополь ўйинчоғи». Телевизион ҳужжатли фильм. 19.00 — «Қирқ бешинчи йилнинг қиши ва баҳори». Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильм. 2-серия. 20.00 — «1983 йилнинг архитектураси». 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — «Камалак халқ ижодиёти телевизион программасининг V Халқаро фестивали. 21.15 — «Кунгур феномени». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.30 — «Время». 22.05 — Телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-серияли.

ЎзТВ-I. 18.00 — Мактаб ўқувчилари учун. «Орзу». 18.30 — «Буюк мутафаккир, оташин революционер». Карл Маркс туғилган куннинг 165 йиллигига. 18.50 — «Баҳор». Манзаралли фильм. 19.00 — «Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи — 65 ёшда». 19.10 — «Мотоўқчилар атакага ўтадилар». Ҳужжатли фильм премьераси. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — Эстрада калейдоскопи. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — «Жанубий чегаралар посбонлигида». 23.05 — — «Бугун оламда нима гап?».

ЎзТВ-II. 18.10 — Эстетика асослари. 18.45 — Математика. 19.45 — «Боғлар тоғлар сари одимлайди». Телевизион фильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — «Озиқ-овқат программаси — халқ фаровонлигининг асоси». 20.50 — «Қайсар қиз». Телевизион бадиий фильм. 21.30 — МТ-II.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 4/V да **Олтин девор**, 5/V да **Келинлар қўзголони**, 6/Vда **Аризасига кўра.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 5/V да **Ишонмасанг ўламан**, 6/V да **Хизматингизга тайёрмиз.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 5/V да бошлаб **«ЕТТИ АЖОЙИБ МАСХАРАБОЗ»** Москва цирки усталарининг ҳайрлашув гастроллари (19.30).

ҲАР ТЎҒРИДА

ЭНГ БАЛАНД БИНО

Чикагодаги жаҳон савдо маркази биноси 120 қаватли бўлади. Унда меҳмонхона, халқаро ярмарка, конференциялар ва кенгашлар ўтказиладиган заллар, 800 та ҳашаматли хоналар, магазинлар ва театрлар жойлашади.

Лойиҳага мувофиқ бино еттита 30 қаватли секциялардан иборат бўлади. Бу секциялар бир-бирининг устига ўрнатилади.

Энг баланд бинонинг пойдевори ер қаърига 60 метр кириб боради. Англияда чиқадиган «Санди таймс» газетаси шу лойиҳа ҳақида хабар берди.

КАШАНДАЛИК — ИЛЛАТ

Буюк Британиянинг марказий ва шимолий районларида 20 минг мактаб ўқувчиси ўртасида англиялик қанча ўсмирлар кашанда эканлигини аниқлаш мақсадида социологик тадқиқот ўтказилди.

Мактаб ёшидаги барча болалар ва қизларнинг 17 проценти ҳар ҳафтада мунтазам ками билан битта сигарета чекажакларини айтдилар. Барча кашандаларнинг бир проценти сигарета таъмини тўрт ёшлик (!) вақтида татиб кўрган, 20 проценти эса тўққиз ёшдан чекишга ўрганган. Тадқиқотнинг энг ҳайратланарли хулосаларидан бири шундаки, 13—16 ёшдаги ўсмирлар группасида болаларга нисбатан қизлар кашандароқ эканлар.

«Ракка қарши кураш кампанияси» ва Британия медицина уюшмасидан қатнашган тадқиқот авторлари ўсмирларга сигареталар сотаётган тамаки дўконлари эгаларини қаттиқ танқид қилиб чиқдилар.

ЧИННИ ЧИҚИНДИСИ— УҒИТ

Франциялик агрохимиклар чинни заводларининг ичи ғовак бўлиб, брак қилинган маҳсулотларидан ерни ўғитлашда фойдаланиш таклифи билан чиқдилар. Янги ўғитнинг афзалликлари шундаки, ўсимлик қолдиқларини микроэлементларгача ва ўсимликлар томонидан ўзлаштириладиган даражагача чиритадиган микроблар ғовакларда яшайди. Масалан, сомоннинг чириш жараёни бир неча баравар тез давом этади.

ҲАВО СУВНИ ИСИТАДИ

Венада метрополитен вентиляция шахталаридан чиқадиган ҳаводан сувни иситишда фойдаланишга киришдилар. Сув иситилгач метро станцияларидаги вестибюль ва техник хизмат кўрсатиш хоналарини иситишда ишлатиляпти. Австриялик инженерлар битта шахтада ўрнатилган иссиқлик алмаштиргич бир йилда 30 тонна мазутни тежаб қолиш имконини беришини ҳисоблаб чиқдилар.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000. Тошкент — П. ЛЕНИН кўчаси, 41 | Телефонлар: редактор ўринбосарлари—335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат —325750. БЎЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар —334048, 325354; партия турмуши—325778; пропаганда—325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт—325749; қишлоқ хўжлиги—325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши—325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик —325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари—325553; фотомухбир—325894.

Р—01951. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. Б. 1594.